2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 197 (1796), 2026 йил 23 сентябрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Туркманистон Президентини таваллуд куни билан самимий қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва давлатчилик фаолиятида янги муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон Президенти Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовга ўзининг самимий саломини айтди. Туркманистон Президенти, ўз навбатида, давлатимиз раҳбарига Туркман халқининг миллий етакчиси номидан энг эзгу тилакларини етказди.

Суҳбат давомида Ўзбекистон — Туркманистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бораётгани, энергетика, транспорт ва бошқа муҳим соҳаларда кооперация лойиҳалари амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

“Шовот — Тошҳовуз” қўшма савдо зонасининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, минтақавий кун тартибига оид айрим масалалар, жумладан, Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви ҳамда Туркманистонда бўлиб ўтадиган МДҲ саммитига тайёргарлик кўриш юзасидан фикр алмашилди.

Мулоқот якунида мамлакатимиз етакчиси биродар Туркманистон Президенти ва халқини яқин кунларда нишонланадиган миллий байрам — Мустақиллик куни билан табриклади.

ЎзА

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев электр энергетикасини ривожлантириш истиқболлари ва ёқилғи-энергетика тармоғидаги лойиҳаларни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга оид тақдимот билан танишди.

Энергетика тизими иқтисодий ўсиш, инвестиция фаоллиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда соҳага хусусий сектор ва хорижий инвесторлар кенг жалб қилиниб, янги генерация қувватларини барпо этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва тармоқларни модернизация қилиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилди. Бу борадаги ислоҳотлар натижасида қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий қуввати 6,3 гигаваттдан ошди. Гидроэлектр станциялар сони 100 тадан ортиб, уларнинг умумий қуввати 2,5 гигаваттга яқинлашди. Қайта тикланувчи энергия манбалари кенгайиши ҳисобига ҳар йили катта миқдорда табиий газ тежалмоқда.

2030 йилга бориб, мамлакат иқтисодиёти ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган, аҳоли сони эса 41 миллиондан ортиши кутилмоқда. Саноатнинг ўзида электр энергияси истеъмоли 2030 йилгача 38 миллиард киловатт-соатдан 53,5 миллиард киловатт-соатгача ўсиши прогноз қилинмоқда. Электромобиллар ва датамарказлар ривожланиши ҳам тизимга қўшимча юклама беради.

Шу боис, генерация қувватларини талабдан олдин ривожлантириш, электр тармоқларининг ўтказувчанлигини ошириш ва етарли захира қувватларини шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Режага кўра, 2030 йилга бориб, мамлакатдаги генерация қувватлари 46,1 гигаваттга етказилиб, йилига қарийб 129 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади. 2035 йилда эса қувватларни 57,2 гигаваттга, йиллик генерацияни 154,7 миллиард киловатт-соатга етказиш кўзда тутилган.

Тақдимотда электр энергияси истеъмолининг турли ўсиш сценарийлари ҳам кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, истеъмол мўътадил ўсганда 2030 йилгача генерация ва талаб ўртасида етарли мувозанат сақланади. Бироқ иқтисодиёт, саноат, электр транспорти ва рақамли инфратузилма тез суръатларда ривожланган тақдирда қўшимча генерация қувватларига эҳтиёж пайдо бўлади.

Давлатимиз раҳбари энергетика соҳасидаги режалар иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши, тизимда доимо етарли захира қуввати бўлиши шартлигини таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб, қўшимча шамол электр станциялари ва энергия сақлаш тизимларини барпо этиш, амалга оширилаётган қуёш ва шамол энергетикаси лойиҳаларини жадаллаштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Давоми 2-бетда

МАЪМУРИЙ ОДИЛ СУДЛОВНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев маъмурий одил судловни янги босқичга олиб чиқиш истиқболларига бағишланган тақдимот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 1 июлдан маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилган эди. Ушбу тизим давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан суд назоратини кучайтириш, фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Ўтган давр мобайнида маъмурий судлар томонидан 150 мингга яқин иш кўриб чиқилиб, 70 мингдан ортиқ ҳолатда давлат органларининг ноқонуний қарорлари бекор қилинган.

Шунингдек, мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органларга 27 мингга яқин хусусий ажрим чиқарилган.

Бу натижалар маъмурий судлар фаолияти “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган устувор тамойил асосида шаклланганини кўрсатади. Ушбу тизим давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини самарали тиклашда муҳим ўрин тутмоқда.

Тақдимотда соҳани ривожлантиришнинг навбатдаги босқичида илғор хорижий тажриба ва замонавий талаблар асосида 15 га яқин янги ҳуқуқий институтни жорий этиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Янги ёндашувлар, энг аввало, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини амалда тиклаш, давлат органлари фаолияти устидан суд назоратини кучайтириш ҳамда маъмурий судларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган.

Ҳозирги тартибга кўра, фуқаролар ва тадбиркорлар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун маъмурий судларга фақат битта шаклда мурожаат қилиш имконига эга. Таклиф этилаётган ислоҳотлар натижасида эса фуқароларга ҳуқуқи бузилишидан олдин унинг ҳимоясини проактив тарзда таъминлаш учун шароит яратилади. Бунда судга мурожаат қилишнинг тўрт турдаги даъво шаклини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, судга мурожаат қилиш учун белгиланган амалдаги олти ойлик муддат қайта кўриб чиқилади. Фуқароларга давлат органи томонидан қонунбузилиш ҳолати содир этилганини тан олиш юзасидан судга муддатсиз мурожаат қилиш имкониятини яратиш таклиф этилди.

Амалда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан фуқаронинг ҳуқуқи бузилган тақдирда бундай ҳужжат устидан маъмурий судга шикоят қилиш имконияти мавжуд эмас.

Эндиликда фуқароларга маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари устидан бевосита судга шикоят қилиш ҳуқуқини бериш таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ, давлат органлари томонидан шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Шундан келиб чиқиб, маъмурий судларнинг ваколатларини кенгайтириш, уларга фуқаролар ва тадбиркорларга таъсир чораларини қўллашда давлат органлари дискрецион ваколатлардан қонуний ва асосли фойдаланганини текшириш вазифасини юклаш назарда тутилмоқда.

Суд қарорларининг сўзсиз ижросини таъминлашга қаратилган таъсирчан чоралар ҳам назарда тутилмоқда. Унга кўра, давлат органининг мансабдор шахсига суд қарорини ижро этмагани учун жарима қўлланилганидан кейин ҳам қарор такроран ижро этилмаса, суд қонуний чора кўриш учун прокурорга хабар беради.

Президентимиз таклиф этилаётган ҳуқуқий институтлар инсон ҳуқуқлари қўпол бузилган ҳолларда уларни суд орқали самарали тиклаш, Конституцияда белгиланган мутаносиблик принципининг амалда тўлақонли ишлашини таъминлаш, давлат идоралари масъулиятини ошириш ҳамда суд қарорларининг муқаррар ижросига хизмат қилиши кераклигини таъкидлаб, билдирилган ташаббусларни қўллаб-қувватлади.

ЎзА

ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИНИНГ КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифидан кейинги ўйлар

Фаровонлик харитаси



Икки кунлик ташриф давомидаги воқеалар, учрашув ва мулоқотлардан кейин ҳар бир жараённи қайта кўз ўнгимдан ўтказар эканман, Ўзбекистон Қаҳрамони, шоир Ибройим Юсупов қорақалпоқ халқига “Юраги қовурғасидан кўриниб турадиган халқ”, дея таъриф берганида нақадар ҳақ бўлганига яна бир бор ишонч қилдим.

Чунки шу икки кун мобайнида фақат давлатимиз раҳбари ташриф буюрган корхона-ташкилотлар, учрашув ёки мулоқотларда иштирок этган одамларгина эмас, балки бутун ҳудуд аҳолисининг қалбида меҳр балқиди десак, муболаға бўлмайди Кўчаларда, овул ва маҳаллаларда, бозорлар, борингки, икки одамнинг боши бириккан жойда Президентимиз ташрифидан мамнунлик, қувонч, ғурур ва ифтихор акс этди.

Давлатимиз раҳбари Нукус шаҳридаги кўчалардан бирига ташриф буюрганида у ерда истиқомат қилувчи одамларнинг “Сизни яхши кўрамиз, ҳурматли Президент”, дея баралла айтган дил изҳорлари ижтимоий тармоқларда хўб айланди. Қайси ҳудудга бормасин, бутун халқ давлатимиз раҳбарини қўллаб-қувватлаб, тўлқин каби тўлиб-тошиб ёнида бирга юргандай бўлди.

Давоми 3-бетда

ЭНГ КУЧЛИ УСТОЗЛАР ЭНГ ЯХШИСИГА МУНОСИБ

Мамлакатимизда илк бор умумий соврин жамғармаси 128 МИЛЛИАРД сўмдан зиёд бўлган ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ



2024 йил 30 сентябрда Президентимиз Абдулла Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институтига ташриф буюриб, у ердаги янгиланган шароитлар билан танишган эди. Ташриф доирасида ўқитувчи-мураббийлар билан самимий мулоқот қилинди.

Суҳбат чоғида барча соҳалардаги улкан мақсадларни амалга ошириш ва тараққиётни давом эттириш бевосита ёш авлоднинг билим ва тафаккурига, тарбияси ҳамда ватанпарварлигига боғлиқ экани айтилганди. Бунинг учун эса ўқитувчилар ҳуқуқий, ижтимоий ва молиявий жиҳатдан ҳимоя қилинган ҳамда етарлича таъминланган бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланган эди.

Жамият тараққиёти, аввало, таълим-тарбия сифати билан белгиланар экан, бу жараёнда касбига садоқатли, ёш авлод қалбига илм ва маърифат уруғини фидокорона қадаётган устозлар олдинги сафга чиқади. Уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва касбий салоҳиятини янада юксалтириш эса давлатнинг таълим сиёсатида алоҳида аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йилда илк бор бутунлай янгича ёндашув асосида ўтказилган “Йил ўқитувчиси” танлови ана шу эътиборнинг амалий ифодасидир.

Давоми 5-бетда

“ВАТАННИ ЎЧИРИБ БЎЛМАЙДИ, БОЛАМ...”

Эссе



Шу йилнинг ёзида ижодий жамоа билан Нукус шаҳрига йўл олдик. Июлнинг жазирама иссиғи поезддаги 18 соатли йўл машаққатида ҳам, тағин сафар давомида ҳам бизга ҳамроҳ бўлди. Манзилга етиб борганимиздан кейин катта жамоа алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратилди. Борар манзил кўп — ҳаммасига улгуриш керак. Биз аввалига университет ва театрда ташкил этилган ижодий учрашувларда қатнашдик. Кейинги манзилимиз эса шаҳардаги ҳарбий қисм эди. Бу хабарни эшитишим биланоқ беихтиёр хурсанд бўлиб кетдим...

Давоми 6-бетда

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий замини бир кунда вужудга келган эмас. Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасида мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлат сифатида тарихга кирди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 23 сентябрь, 197-сон

Муносабат

yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда иқтисодий самарадорлиги паст, молиялаштириш манбаси аниқ бўлмаган ёки узоқ вақтдан буён кечикаётган айрим лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Янги қувватларни танлашда фақат уларнинг ҳажми эмас, балки электр энергияси таннархи, тармоққа уланиш имконияти, энергия сақлаш тизимлари билан уйғунлиги ва умумий энергобалансга таъсири асосий мезон бўлиши белгиланди.

Қайта тикланувчи энергия манбалари улуши ортиб борган сари энергия сақлаш тизимларининг аҳамияти ҳам ошмоқда.

Бундай тизимлар кундузи қуёш ва шамол станцияларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини тўплаб, уни кечки юқори юклама вақтида тармоққа узатиш имконини беради. Бу анъанавий электр станцияларида қўшимча газ ёқиш заруратини камайтириб, бутун тизим барқарорлигини оширади.

Ҳозир энергия сақлаш тизимлари бўйича умумий қуввати 4,2 гигаватт бўлган 26 та лойиҳа шакллантирилган. Улардан 17 таси амалга ошириш босқичида. 2030 йилгача айни йўналишда қўшимча янги лойиҳаларни шакллантириш таклиф қилинди.

Президентимиз генерация қувватларини кўпайтириш билан бирга уларни истеъмолчиларга етказиб берадиган магистрал тармоқлар ва подстанцияларни ҳам олдиндан барпо этиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

2030 йилга қадар 9 та 220 киловольтли ва 7 та 500 киловольтли янги подстанция қуриш, қарийб 5 минг километр янги электр узатиш тармоқларини барпо этиш режалаштирилган. Бу янги электр станцияларини энерготизимга улаш, ҳудудлар ўртасида қувват алмашинувини кенгайтириш имконини беради.

Хусусан, 2027-2029 йилларда бир қатор стратегик 500 киловольтли электр узатиш тармоқлари ва янги подстанцияларни ишга тушириш кўзда тутилган. Тақдимотда уларнинг қурилиш ҳолати, молиялаштириш масалалари ва мавжуд кечикишларни бартараф этиш чоралари алоҳида кўриб чиқилди.

Қорақалпоғистонда қайта тикланувчи энергиянинг катта салоҳиятидан фойдаланган ҳолда рақамли иқтисодиёт учун янги инфратузилма яратиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Ҳудудда истиқболли шамол электр станцияларини 1 гигаватт қувватли дата-марказлар билан боғлаш, бунинг учун янги 220 киловольтли подстанция ва электр узатиш тармоқларини қуриш таклиф этилди. Мазкур инфратузилма янги дата-марказларни энерготизимга интеграция қилиш, юқори технологияли инвестицияларни жалб этиш ва ҳудуднинг мавжуд энергетик салоҳиятидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Тақдимотда соҳадаги инвестиция лойиҳаларини шакллантириш ва амалга ошириш тизимини тубдан ўзгартириш бўйича таклифларга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалда кўп ҳолларда лойиҳа инвестор ташаббусидан бошланади. Ер майдони, тармоққа уланиш, техник шартлар, тариф ва инвестиция битимлари турли идоралар билан алоҳида келишилади. Бу эса жараёнларнинг чўзилиши, идоралар функцияларининг такрорланиши ва айрим лойиҳаларнинг тизим эҳтиёжи билан етарлича боғланмаслигига олиб келмоқда.

Шу боис, янги бошқарув модели таклиф қилинди.

Эндиликда энергетика лойиҳалари, энг аввало, иқтисодиёт, аҳоли ва ҳудудларнинг истиқболдаги эҳтиёжидан келиб чиқиб шакллантирилади. Аввал талаб аниқланади, кейин зарур генерация ва инфратузилма қувватлари режалаштирилади. Ер майдони, тармоққа уланиш нуқтаси ва техник ечимлари олдиндан тайёр бўлган лойиҳа шакллантирилиб, инвестор очиқ ва рақобатли танлов асосида аниқланади.

Бунда ҳар бир идоранинг вазифа ва жавобгарлиги аниқ белгиланади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги талаб прогнозини шакллантиради, Энергетика вазирлиги стратегик режалаштириш ва техник сиёсат учун жавоб беради, Энергетика бозорини ривожлантириш ва тартибга солиш агентлиги бозор муносабатлари ва тарифларни тартибга солади. Инвестициялар соҳасига масъул идоралар инвесторларни очиқ танлов асосида жалб қилади, маҳаллий ҳокимликлар эса ер ва зарур инфратузилма масалаларини ҳал этади.

Шунингдек, ҳудудлар ва тармоқлар кесимида энергия ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг аниқ прогнозини шакллантириш, шу асосда ҳар йили янгиланадиган уч йиллик инвестиция режаларини қабул қилиш таклиф этилди. Бу генерация қувватлари, электр тармоқлари ва зарур инфратузилмани ўзаро мувофиқ ҳолда олдиндан режалаштириш имконини беради.

Узоқ муддатли истиқболда эса 2050 йилгача ёқилғи-энергетика ресурслари билан таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Унда миллий ресурс салоҳияти, демографик ва иқтисодий ўсиш, энергия самарадорлиги, қайта тикланувчи ва атом энергетикасини ривожлантириш, шунингдек, энергетика хавфсизлигини таъминлаш масалалари комплекс ҳисобга олинади. Концепцияни ҳар беш йилда қайта кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Давлатимиз раҳбари энергетикада ҳар бир янги лойиҳа иқтисодиёт ва аҳолининг узоқ муддатли эҳтиёжига хизмат қилиши, ишлаб чиқариш, тармоқ юкламаси ва истеъмол ўртасида доимий мувозанат таъминланиши кераклигини таъкидлади.

Мутасаддиларга амалга оширилаётган йирик лойиҳаларни белгиланган муддатларда ишга тушириш, кечикаётганлари бўйича инвесторлар билан аниқ чоралар кўриш, генерация қувватлари билан электр тармоқларини мутаносиб ривожлантириш, энергия сақлаш тизимларини кенгайтириш ҳамда соҳада янги режалаштириш ва бошқарув моделини жорий этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

ЎзА

ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИНИНГ ИЖТИМОИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Шу йил 13-16 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида Сеул шаҳрида илк бор ўтказилган “Марказий Осиё — Корея” саммити халқаро ҳамжамият эътиборини ўзига тортди. Ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар, Ўзбекистон — Корея бизнес форуми, қарийб 12 миллиард долларлик лойиҳалар портфели, критик минераллар, транспорт, сунъий интеллект ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги келишувлар, шунингдек, Сеул ва Кореянинг қатор шаҳарларида ўтказилган “Ўзбек маданияти кунлари” бир қарашда соф дипломатик ва иқтисодий характердаги воқеалар сифатида кўрилиши мумкин.



Муҳиддин ТЕШАБОЕВ, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Бироқ давлат миқёсидаги бундай тадбирларнинг моҳиятига чуқурроқ назар ташланса, улар ортида анча узоқ давом этган ва босқичма-босқич шаклланган ижтимоий жараён турганини кўрамиз. Дипломатик битимлар, инвестиция келишувлари, таълимий ва илмий ҳамкорлик дастурлари — буларнинг барчаси аслида икки халқ ўртасида узоқ йиллар давомида шаклланган ижтимоий алоқалар тармоғининг ташқи, кўзга кўринадиган қатлами.



Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг ижтимоий замини бир кунда вужудга келган эмас. Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасида мамлакатимиз мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлат сифатида тарихга кирди.

Давлатимиз раҳбарининг Сеулга бу галги ташрифи барқарор ва изчил ривожланиб бораётган муносабатларнинг навбатдаги босқичи десак, муболаға бўлмайди. Бундай изчиллик муҳим ижтимоий ҳодисадир: у тасодифий сиёсий конъюнктурага эмас, балки икки томондаги жамиятларда шаклланган барқарор ишонч ва ўзаро манфаатдорлик ҳиссига асосланади.

Бугун Корея Республикасида яшаб, меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган ўзбекистонликлар кўпчиликни ташкил этади. Ана шу талабалар, ишчи-мутахассислар, илмий изланувчилар икки халқ ўртасидаги дўстликнинг энг жонли, энг самимий тимсолидир. Президентимизнинг Сеулдаги ташрифи чоғида юртдошларимиз билан бўлиб ўтган очиқ мулоқот, уларнинг турмуш шароити, илмий изланишлари ва касбий истиқболлари ҳақидаги самимий суҳбат давлатлараро муносабатларнинг инсон омилига қанчалик чамбарчас боғлиқ эканини яна бир бор кўрсатади. Зеро, ҳар қандай давлат сиёсати, агар у оддий одамларнинг турмуш тарзида, кундалик фаолиятида ўз аксини топмаса, узоқ умр кўрмайди.

> **Ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан қараганда, халқлар ўртасидаги дўстлик шунчаки ҳукуматлар даражасидаги келишувлар йиғиндиси эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг алоҳида шакли — бир-бирини тан олиш ва ўзаро ишонч асосида қуриладиган барқарор алоқа тизимидир. Бундай алоқа фақат манфаат эвазига эмас, балки умумий қадриятларга асосланганда узоқ умр кўради. Ўзбек ва корейс халқлари мисолида бу умумийликни бир неча жиҳатдан кузатиш мумкин.**

Ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан қараганда, халқлар ўртасидаги дўстлик шунчаки ҳукуматлар даражасидаги келишувлар йиғиндиси эмас, балки ижтимоий муносабатларнинг алоҳида шакли — бир-бирини тан олиш ва ўзаро ишонч асосида қуриладиган барқарор алоқа тизимидир. Бундай алоқа фақат манфаат эвазига эмас, балки умумий қадриятларга асосланганда узоқ умр кўради. Ўзбек ва корейс халқлари мисолида бу умумийликни бир неча жиҳатдан кузатиш мумкин.

Биринчидан, иккала халқда ҳам меҳнат ижтимоий қадрият сифатида юксак баҳоланади. Кореянинг Иккинчи жаҳон урушидан кейинги тезкор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти халқ меҳнатсеварлиги, ташкилотчилиги ва билимга интилиши билан боғлиқ бўлганидек, ўзбек халқининг тарихий тараққиётида ҳам меҳнат ва илм-маърифат доим юксак ижтимоий қадрият саналган.

Иккинчидан, оила институтига ҳар икки жамиятда ҳам ижтимоий барқарорликнинг таянч нуқтаси сифатида қаралади: катталарга ҳурмат, авлодлар ўртасидаги узвийлик, фарзанд тарбиясига масъулиятли муносабат — булар Шарқ фалсафасининг умумий мағзини ташкил этади. Шу боис, ўзбек ҳамда корейс жамиятларида бир-бирига яқин ижтимоий кодлар сифатида намоён бўлади.

Учинчидан, илм-маърифатга интилиш иккала маданиятда ҳам алоҳида ўрин тутади. Бугун Ўзбекистонда тўртта корейс университети филиали ва бешта KOICA касб-ҳунар марказининг фаолият юритиши шунчаки таълим хизмати эмас, балки икки халқ ўртасидаги билим ва тажриба алмашинувига ижтимоий эҳтиёжнинг институционал ифодасидир. Ижтимоий фалсафада бундай ҳодиса ижтимоий капиталнинг ошиши сифатида талқин этилади. Кишилар бир-бирининг тажрибасидан ўрганганда улар ўртасида нафақат билим, балки ишонч ва ҳурмат ҳам кучаяди.

Дўстлик фалсафий тушунча сифатида ҳеч қачон бир томонлама бўлмайди. Арасту этикасида ҳақиқий дўстлик ўзаро эзгуликка асосланган, тенг ҳуқуқли муносабат сифатида таърифланади. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг стратегик шериклик даражасига кўтарилиши ҳам айнан мана шундай тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилига асосланган. Бу ерда гап фақат инвестиция ёки технология оқими эмас, балки икки халқнинг бир-бирини тенг шерик сифатида тан олиши ҳақида бормоқда.

Ташриф чоғида қўлга киритилган натижаларга назар ташласак, уларнинг аксарияти айнан ижтимоий таъсир доираси кенг бўлган соҳаларга тегишли эканини кўрамиз. Президентимиз белгилаб берган беш устувор йўналиш — савдо, инвестиция, критик минераллар, транспорт ва инфратузилма бевосита ёки билвосита миллионлаб оддий фуқароларнинг турмуш даражасига таъсир кўрсатадиган соҳалардир. Хусусан, критик минераллар соҳасида режалаштирилган лойиҳаларда хомашёни оддийгина экспорт қилиш эмас, балки уни Ўзбекистон ҳудудида қайта ишлаб, тугалланган маҳсулотга айлантириш мақсад қилингани, бу иш ўринлари очиш, малака ошириш ва ёш мутахассисларни тайёрлаш орқали жамиятнинг бевосита манфаатига хизмат қиладиган ёндашувдир.

Худди шундай: сунъий интеллект ва рақамли технологиялар бўйича келишувлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик дастурлари — буларнинг барчаси охир-оқибат икки мамлакат фуқароларининг кундалик ҳаёти сифатини яхшилашга қаратилган. Сеулда ўтказилган Ўзбекистон — Корея бизнес форумида иштирок этган тадбиркорлар, мутахассислар ва олимлар ўртасидаги мулоқот ҳам ижтимоий алоқаларнинг яна бир муҳим шаклидир. Чунки ҳар қандай институционал ҳамкорлик кишилар ўртасидаги ишончли муносабатлар орқали амалга ошади.

Ижтимоий фалсафада халқлар ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилишда “яқин узоқлик” деган қизиқ ҳолат мавжуд: географик жиҳатдан бир-биридан анча узоқда жойлашган икки халқ менталитет ва қадриятлар даражасида бир-бирига ғоят яқин бўлиши мумкин. Ўзбекистон ва Корея Республикаси айнан шундай ҳолатнинг ёрқин намунасидир. Икки мамлакатни географик жиҳатдан минглаб километрли масофа ажратиб турса-да, ижтимоий-маданий жиҳатдан улар бир-бирига беҳад яқин: ҳар икки халқда ҳам жамоавийлик ҳисси индивидуализмдан устун, ота-она ва фарзанд ўртасидаги бурч туйғуси кучли, таълим эса ижтимоий юксалишнинг асосий воситаси сифатида қадрланади.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ҳозирги стратегик шериклик бирдан вужудга келган ҳодиса эмас, балки ўттиз беш йилдан ортиқ вақт давом этган ижтимоий жараённинг табиий натижасидир. Бу жараённинг туб моҳиятини ташкил этувчи омиллар умумий меҳнатсеварлик қадрияти, оила ва таълимга ҳурмат, бир-бирини тенг шерик сифатида тан олиш ҳамда кишилар ўртасидаги бевосита самимий мулоқотдир.

ОЛИС ҲУДУДЛАРДА ЯНГИЛАНИШЛАР НАФАСИ

Президентимизнинг 2024 йил 31 январдаги “Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида “Ўрта шаҳарларни комплекс ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида шу кунларда Сурхондарё вилоятининг 8 та — Жарқўрғон, Қумқўрғон, Сариосиё, Узун, Денов, Шўрчи, Шеробод ва Бойсун туманларида бунёдкорлик авж олган. Бу мегалойиҳанинг умумий қиймати 100 миллион доллар. У Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан молиялаштириляпти.

Ислоҳот одимлари



Дастур доирасида Сурхондарё вилоятида биргина ичимлик сув таъминоти учун 250 миллиард сўм йўналтирилган. Воҳа бўйлаб 330 километр сув тармоғи, 134 километр оқова сув тизими, 19 та сув иншооти, шунингдек, 320 километрга яқин замонавий йўл, пиёдалар йўлаги барпо этилиши белгиланган.

Зиёрат туризми маскани — Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғи бугун катта ўзгаришлар оғушида. Ҳудудга элтувчи йўлларни тартибга солиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва пудратчи корхоналар аниқланди.

— Омонхонага обиҳаёт келтириш учун муҳандислик ишларини бажаряпмиз, — дейди муҳандис Нодир Исроилов. — Шу кунларда баланд қоялар оралаб қарийб 12 километр узоқдан қувур тортилмоқда. Бунинг учун 12,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиб, 22 километр ички сув тармоғи ва 4 та йирик сув сақлаш иншооти қуриляпти.

Сурхондарёдаги тоғли манзиллардан бири Сариосиё туманида ҳам ўзгаришлар нафаси сезилмоқда. Бу ерда сув тизимини модернизациялаш учун 47,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.

— Лойиҳа доирасида Сариосиё туманида 103 километр янги тармоқ, сув иншооти, сиғими 750 куб метр бўлган 2 та захира сув ҳавзаси ва замонавий лаборатория биноси барпо этилмоқда, — дейди муҳандис Эркин Шометов. — Бу саъй-ҳаракатлар туфайли тумандаги 9 та маҳалланинг 10 мингдан ортиқ хонадонига тоза ичимлик сув кириб боради.

Шу кунга қадар Жарқўрғон туманининг кўплаб маҳалла ва қишлоқларида марказлашган тоза ичимлик сув умуман йўқ эди. Аҳоли кундалик эҳтиёжи учун сувни ташиб келарди. Энди бу оғриқли муаммога узил-кесил нуқта қўйилди. Туманда кенг кўламли қурилиш-монтаж жараёни давом этиб, ҳар бир хонадонга обиҳаёт кириб бормоқда.

Воҳанинг бошқа ҳудудларида ҳам бунёдкорлик шиддати яққол сезилади. Қумқўрғон, Шўрчи ва Узун туманларида ичимлик ва оқова сув тармоқлари қуриш, йўлларни янгилаш ишлари қизғин паллага кирган. Жумладан, Халқаро молия ташкилотларининг 37,6 миллион доллар маблағи эвазига мазкур туманларда 134 километр оқова сув тармоғи ҳамда



> **Сурхондарёдаги тоғли манзиллардан бири Сариосиё туманида ҳам ўзгаришлар нафаси сезилмоқда. Бу ерда сув тизимини модернизациялаш учун 47,8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган.**

суткасига минглаб куб метр сувни тозалаш қувватига эга 4 та замонавий иншоот яқин орада қад ростлайди. Жаҳон банки кўмагида олиб келинган 48 та замонавий техника қурилиш, бунёдкорлик ишлари самарали ва ўз вақтида сифатли бажарилишига хизмат қилаётир.

Денов туманида сўнгги йилларда қурилиш ва бунёдкорлик кўлами кенгайиб, ҳудуд қиёфаси янгиланиб бормоқда. Айниқса, туман марказини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида комплекс ривожлантириш, аҳоли учун қулай турмуш шароити яратиш ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Деновда ичимлик сув таъминоти, электр энергияси, табиий газ, автомобиль йўллари ва канализация тармоқларини яхшилаш учун кўп иш бажарилди. Мавжуд тармоқларни реконструкция қилиш ва замонавий талаблар асосида янгилаш натижасида хизмат сифати оширилиб, аҳоли учун қулай шароит яратилди.

Қурилишлар кўлами кенгайиб, турар жойлар сони ортиши маиший оқова сув ҳажмини кўпайтиради. Шу боис, Денов туманида оқова сув тозалаш иншооти ва канализация тармоқларини реконструкция қилиш бўйича йирик лойиҳа амалга оширилди.

Лойиҳа доирасида оқова сувни қабул қилиб, тозалайдиган ва белгиланган талаблар асосида чиқариб юборадиган мажмуа барпо этилди. Янги мажмуа нафақат канализация тизимининг ишончли ва узлуксиз фаолиятини таъминлайди, балки атроф-муҳит муҳофазаси, санитария-гигиена борасида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— Қуввати суткасига 10 минг куб метрни ташкил этувчи янги иншоот оқова сувни замонавий технологиялар асосида тозалаш имконини беради. Лойиҳа доирасида 4,8 километр узунликдаги оқова сув коллектори барпо этилиб, унинг узлуксиз фаолиятини таъминлаш учун объектлар қурилди. Шунингдек, иншоот ҳудудидаги мавжуд лаборатория ва ёрдамчи бинолар реконструкция қилиниб, моддий-техник базаси яхшиланди, — дейди “Сурхондарё сув таъминоти” АЖ директори ўринбосари Улуғбек Нормуродов.

Мажмуага Туркиядан келтирилган замонавий технологик ускуналар тўлиқ ўрнатилди. Уларни ишга тушириш ва технологик жиҳатдан созлаш туркиялик тажрибали мутахассислар иштирокида якунланди.

— Денов туманидаги мазкур сув мажмуасидаги технологик жараёнлар юқори даражада автоматлаштирилган. Бу тизимнинг асосий иш жараёнларини замонавий бошқарув воситалари орқали назорат қилиш имконини беради. Иншоотда замонавий технологиялар қўлланилиши электр энергиясидан оқилона ва самарали фойдаланиш, эксплуатация харажатларини камайтиришда ёрдам беради, — дейди Туркиянинг “Kuzu Grup” компанияси муҳандиси Эртуғрул Сенбаҳчи.

Янги технологик ускуналар узлуксиз ва барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида иншоот учун алоҳида янги электр подстанцияси барпо этилди. Эскирган трансформаторлар замонавий ва юқори самарали ускуналарга алмаштирилди.

Сурхондарёдаги бундай кўламдор лойиҳалар чекка ҳудудларда яшайдиган инсонлар қалбига қувонч улашмоқда. Янги қиёфа касб этаётган қишлоқлар фуқароларнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири





Фаровонлик харитаси



ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИНИНГ КЎНГИЛ ИЗҲОРИ

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифидан кейинги ўйлар



Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати

Бошланиши 1-бетда

Кегейли туманидаги “ADM Agro” корхонасининг саноатлашган интенсив боғи, “Кегейли барака наслли парранда” корхонаси, туманда ташкил этилган иссиқхона мажмуаси, Нукус туманидаги Дийқан арна маҳалласи, Қорақалпоғистон илмий-амалий тиббиёт академиясига ташриф жараёни ва қатор лойиҳалар қурилишига старт берилгани барча қорақалпоғистонликларни ҳаяжонга солди десак, муболаға бўлмайди. Биз одамлар орасида юриб, бунга гувоҳ бўлдик.

Зеро, даста-даста ҳужжатлар қабул қилинган, лекин бажарилмаган, қоп-қоп ваъдалар берилган, лекин ижроси таъминланмаган, ичкаридаги гап ташқарига тўғри келмаган даврларни кўрган бу халқ кўксига шамол текканига ишончи сўнгги йилларда мустаҳкамланаётгани ҳам айни ҳақиқат.

Ўн йил олдинги ва бугунги Қорақалпоғистон. Тинимсиз айланиб бораётган тарих ғилдираги босиб ўтаётган йўлнинг бу икки нуқтасини қиёслаш учун чуқур таҳлиллар шарт эмас. Бутун ҳудуд аҳолисининг кўз ўнгида ҳар куни содир бўлаётган ўзгариш ва янгиланишларнинг ўзи ислоҳотлар натижасини яққол намоён этиб турибди.

Сўнгги ўн йилда Оролбўйидаги экологик муаммога ечим топилиб, ҳудудда кўзни қувонтирадиган яшиллик бунёд этилгани, Қорақалпоғистоннинг 2016 йилда 8,5 триллион сўмни ташкил этган ялпи ҳудудий маҳсулоти жорий йил бошига келиб 54 триллион сўмдан ошгани, эътибор ва имтиёзлар туфайли саноат, ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш имкониятлари тубдан кенгайгани, болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамрови ҳамда ёшларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичи бир неча баравар ошгани — буларнинг барчаси одамларнинг бугунги кайфиятида ўз аксини топмоқда.

Қисқа муддатда Бўзатовда санаторий, Нукусда онкология ва радиология маркази, Қўнғиротда болалар шифохонаси ва туғуруқхона, Амударё ва Тўрткўлда амфитеатрлар, Нукус шаҳрида гимнастика маркази ҳамда Консерватория филиали фойдаланишга топширилди. А-380 магистралининг Қўнғиротдан ўтган 240 километрида 384 миллион доллар ҳисобига бетон қоплама ётқизилди.

Шу йил июнда эса Тўрткўл туманидаги Шодлик маҳалласи ҳудудида 13 миллиард сўм ҳисобига қурилган, ҳофиз Отажон Ҳудойшукуров номидаги 2000 ўринли амфитеатрни фойдаланишга топшириш маросими бўлди. Маросимда ўриндиқлар отахону онахонлар, ёшлар, ҳатто, фарзандларининг қўлидан тутиб келган ёш келинлар билан лиқ тўлди. Жой етмаганлар ҳам асло қайтиб кетиш ҳақида ўйламай, тик турган ҳолда ўз қувончини рақслар, қарсаклар билан ифода этди. Тадбир чин маънода халқ байрамига айланиб кетди. Зеро, Тўрткўлнинг неча асрлик тарихидаги биринчи амфитеатр эди бу. Яқинда мустақиллигимизнинг 35 йиллиги ҳам ана шу янги иншоотда ўтказилиб, байрамга ва ҳар бир инсон қалбига ўзгача шукуҳ бағишлади. Шундай экан, албатта, одамлар ўз Президентини яхши кўради-да!

Эришилган бундай ютуқ ва марралар ҳудуд тараққиётининг навбатдаги босқичларига пойдевор бўлиши муқаррар. Ташриф давомида 7 миллиард долларлик 47 та лойиҳа қурилишига старт берилди.

Нукус шаҳрида ўтказилган Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишда иштирок этар эканман, Италиянинг “Bonifika Ferrarizi” компанияси билан Тахтакўпирда 50 миллион долларлик лойиҳа бошланаётгани, унинг доирасида 2000 гектар ерда помидор ва ғалла етиштирилиб, чуқур қайта ишланиши ҳамда Европага экспорт қилиниши, Шинжон тажрибаси асосида озуқа етиштириш жараёни ташкил этилиб, хориждан 5000 бош қўй-эчки олиб келиниши, йил якунигача 10-15 минг гектарда лойиҳаларни шакллантириб, бир йилда 100 минг бош қўй-эчки боқишни йўлга қўйиш белгиланган, шунингдек, Қораўзак туманидаги Зенгибобо конида олтин қазиб олиш бўйича 20 миллион долларлик корхона барпо этилишини эшитганимда яқин тарихдаги баъзи воқеалар хаёлимда гавдаланди.

Бундан деярли 20 йиллар олдин айнан Тахтакўпирдаги одамлар уй-жойини ташлаб, қўшни мамлакатга кўчиб кетаётгани ҳақида эшитган эдим. Ҳатто бошқа ҳудудлардан бориб, эгасиз қолган уйларни бузиб, эшик, дераза ромлари, умуман, қурилиш материалларини олиб кетаётганларини эшитганимда қалбим ларзага тушганди. Қачон одам оилам билан яшайман, тўйлар қиламан деб умр бўйи қурган уй-жойини шундоқ ташлаб, кундалик кийим-кечагинигина кўтариб чиқиб кетади? Бу қарорга келиш учун жиддий асослар бўлиши керак. Аммо ўша йилларда Қорақалпоғистоннинг Тахтакўпир, Қораўзак ва бошқа шимолий туманларида ана шундай ҳолатлар юз бергани айни ҳақиқат.

Ўша пайтда кўчиб кетганлар она юртининг бугунги қиёфасини тасаввур ҳам қила олмаган, албатта. Бу жойлар аҳолиси кўчиб кетадиган эмас, балки дунёдан одамлар ёғилиб келадиган, минглаб сайёҳларни бағрига оладиган маскан бўлишини хаёлига ҳам келтирмаган. Тахтакўпирда “Қаратерен” этнотуристик мажмуаси, энг чекка ҳудудлардан бўлган Бўрчи тоғ тепасида қуриб битказилган “Тахтепа” этно овули каби халқаро маданий фестивалларни ўтказадиган, турли миллат вакиллари биргаликда мароқли ҳордиқ чиқарадиган, миллий қадриятларга садоқат, миллатлараро тотувлик ва дўстлик туйғуларини дунёга тараннум этадиган масканлар барпо этилишини, Қораўзакда олтин қазиб олинишини ўшанда ким ҳам ўйлабди, дейсиз!

2022 йили Президентимизнинг Қорақалпоғистон учун қабул қилган яна бир оқилона қарорига гувоҳ бўлган эдик. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Оролбўйи ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш мақсадида Қорақалпоғистоннинг шимолий туманлари биттадан вилоятга бириктирилди. Аниқроқ айтганда, Президентимизнинг 2022 йил 1 ноябрдаги “Оролбўйи минтақасини барқарор ривожлантириш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган шароити оғир оилалар ва фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда овул ва маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг “Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ва маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



Унда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳри ва Бўзатов, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Қонликўл, Мўйноқ, Нукус, Тахиатош, Тахтакўпир, Хўжайли, Чимбой, Шуманай туманларига бириктирилди.

Бу ташаббус барча вилоятлар, бутун мамлакатни Оролбўйида эзгулик йўлида бирлаштирди десак, муболаға бўлмайди. Бундай ҳамжиҳатлик, ўзаро кўмак, меҳр-оқибат қанчадан-қанча қорақалпоғистонликларнинг мушкулини осон, оғирини енгил қилди.

19 сентябрь куни ўтказилган йиғилишда ҳам ҳар бир туман бўйича инвестиция тақдимотлари ўтказиш, вилоят ҳокимлари иштирокида 2-3 минг юқори даромадли иш ўрни очадиган лойиҳаларни бошлаш топширилди. Келгуси йили Қорақалпоғистонга 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Бундан тўрт йил олдин Нукус шаҳрида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаро — кексалар, хотин-қизлар, ёшлар, мактаб ўқувчилари давлатимиз раҳбари номига миннатдорлик мактубларини ёзганди. Мактаб ўқувчилари эса ташаккурини ўзлари чизган расмларда ифода этиб, маҳалласи, кўчаси, мактаби, боғчаларининг олдинги ҳолати ва янги қиёфасини шу суратларда қиёсий тасвирлаган эди. Баъзилари сифатли қоғозга, баъзилари расм дафтарига, баъзилари эса оддий варақка чизилган расмларни кўриб, ҳайратга тушганман. Ўғил-қизларнинг ҳали ёш бола бўлсада, ён-атрофидаги ўзгаришларни англагани, ҳис қилгани ва суратларда акс эттирганидан жуда қаттиқ таъсирланганман. Халқни рози қилишдек машаққатли ишни уддалаш мумкинлигига иқрор бўлганман.

Ўшанда Президентимизнинг 2022 йил 23-24 февраль кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида берган топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича Нукус шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари бажарилган эди. Аввало, ўрганиш ва таҳлиллар ўтказилиб, шаҳардаги 64 маҳалланинг 38 таси ички йўллар ва ободонлаштириш нуқтаи назаридан оғир, 8 таси эса ўта оғир деган хулосага келинган.

Қисқа муддатда ички йўллар асфальтланди, қум-шағал тўшалди, тунги ёритқичлар ўрнатилди. Газ, электр энергияси тармоқлари таъмирланди. Қисқаси, инфратузилма яхшиланди. Олдин ёзда чанг, қишда лой кечиб юрган одамлар энди текис ва равон йўлларда ишга, ўқишга отланадиган бўлди. Болалар янги шароитлардаги мактаблар ва боғчаларга қатнай бошлади. Улар учун спорт майдончалари, ўйингоҳлар барпо этилди. Ана шу ободлик кўнгилларга кўчиб, мамнуният ва шукроналик кексаю ёш нукусликларни Президентимизга ўз миннатдорлигини изҳор қилишга ундаганди.

Касби орқали мамлакат миқёсида катта обрў-эътибор қозонган, “Йил ўқитувчиси” кўрик-танловида ғолиб бўлиб, 52 минг АҚШ доллари эквивалентидаги маблағни қўлга киритган қонликўллик ўқитувчи Нигора Алламбергенова, кунига 7-10 миллион сўм даромад топаётган, етиштирган полиз маҳсулотларини ички бозордан ташқари Қозоғистоннинг Оқтов шаҳрига экспорт қилаётган мўйноқлик тадбиркор Нафиса Байниязова ҳам муваффақиятининг асоси яратилган шароитларда эканини таъкидлаб, йиғилишда Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбарининг келаси йили қорақалпоқ халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Бердақ Қарғабай ўғли таваллудининг 200 йиллигини муносиб нишонлаш, шоирнинг илмий-ижодий меросини ўрганиш, рақамлаштириш, асраб-авайлаш ва ёшларга етказишни қамраб олган дастурни ишлаб чиқиш таклифини ҳам зиёлиларимиз чексиз мамнуният билан кутиб олди. Зеро, қорақалпоқ халқи азалдан ўз аждодлари меросига садоқат билан ёндашади. Шу нуқтаи назардан, бу каби эзгу ташаббуслар қорақалпоқ халқининг миллий қадриятларига юксак эҳтиром намунасидир.

...Яна ўша видеотасвирга тикиламан. Нукусликларнинг “Сизни яхши кўрамиз, ҳурматли Президент”, деган қалб сўзларига давлатимиз раҳбари “Мен ҳам сизларни яхши кўраман”, деб жавоб беради. Ана шу меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, оғзибирчилигимизга кўз тегмасин дейман ўзимга ўзим. Президентимиз ва халқимизнинг янги Ўзбекистон ҳамда янги Қорақалпоғистонни биргаликда бунёд этиш мақсади рўёбга чиқиб, тинч-тотув тараққиёт сари одимлайверайлик.

ҚАРАҚАЛПАҚТА ШАДЛЫ ДӘЎРАН БОЛАЖАҚ



Гүлнара НУРЛЕПЕСОВА

Нөкисте бир көше дүзеп салтанат,
Тағып жигирма төртте жети деген ат.
Сол көше бойында халқың алғыслап,
“Президентим келди!”— деп сазлар шалажақ.

Улкен-киши кеўлин ашып ентелеп,
“Узақ жасаңыз!” — деп жақсылық тилеп.
Нурлы жузиңизге қуўаныш үлеп,
Кеўиллер дәрьядай тасып-толажақ.

Халық ҳүрметин көриў не деген бахыт,
Гүллән журт баратыр жол бойы ағып,
Кеўиллерге меҳир шырағын жағып,
Қәдемиңе әлўан гүллер толажақ.

Қайта жаңаланған аўыл-қалалар,
Шәмендей гүлленген саҳра далалар.
Бүгин бақшадан жол алған балалар,
Президент мектебине баражақ

Барлық реформаңды мақуллап халық,
Ыразы болмақта өзиңнен анық.
“Көргеймен көзлерден жас емес, шадлық,”
Деген сөзиң елге дәрман болажақ.

“Ашшы көл”диң бойы болып тамаша,
“Нөкис Сити” қурылажақ жаңаша.
“Жаңа Өзбекстан” жаңа қалаша,
Адам танымастай майдан болажақ.

Толған айым көктен күлейин деп тур,
Халқым көктен жулдыз терейин деп тур.
Тез жүрер поездлар келейин деп тур,
Көрмегенге бәри әрман болажақ.

Ири жойбарлардың кәрўанын хошлап,
Қытай, Кореядан инвестор баслап.
Қарақалпаққа шан-шәўкетли көш таслап,
Басқан қәдемиңиз дәстан болажақ.

Қарақалпақтың бир улыман мен де деп,
Ел ушын қанша ис еттиң ентелеп.
“Жигит болсаң хызмет еткил елге” деп,
Ислеген мийнетиң болды мустажап.

Бердақтың еки жүз жыллығын ойлап,
Белгилеймиз дедиң елимиз бойлап.
Келеси жыл гүллән халық пенен тойлап,
Бабамыз тиллерде дәстан болажақ.

Ислериң көп бундай халқыңа жаққан,
Изиңизден ерген ул-қызлар шаққан.
Дүнья ҳәўес пенен өзиңе баққан,
Бәри-бәри жаңа тарийх болажақ.

Қазылма байлықтың таўып уясын,
Ҳәм турмыста қоллап илим зиясын,
Самал менен қуяш энергиясын,
Алған елдиң бахты бийик болажақ.

Жумыс баслайғойса қырық жети жойбар,
Қарақалпағымда ис пәти қайнар.
Жаңа режелер,жаңаша ойлар.
Ана жерден Марсқа жол салажақ.

Жаңа “Нөкис Сити” тез түсер көзге,
Тарийх жаңаланар қыясы өзге.
Қарақалпақ халқы миннетдар Сизге,
Бул жолда халық бир тән, бир жан болажақ.

Президентимиздиң кеўили толып,
Сондай ырза болды ел ишин шолып.
Бәримиз бир Ўатан, бир халық болып,
Халықтың жаңа тарийхында қалажақ.

Енди басымыздан думанлар кетип,
Халық арзыў еткендей заманлар жетип
Журтбасшым аталық ғамхорлық етип,
Қарақалпақта шадлы дәўран болажақ.

ҚОРАҚАЛПОҚДА ШОДОН ДАВРОН БЎЛАЖАК

(Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифига бағишлов)

Нукусда бир кўча нур, файзга тўлиб,
Тақиб йигирма тўртга етти деган ном.
Шу кўча бўйида халқим олқишлаб,
“Президентим келди!” — деб созлар чалажак.

Катта-кичик кўнглин очиб интилиб,
“Узоқ яшанг!” — дебон яхшилик тилаб.
Нурли юзингизга қувонч нур улаб,
Кўнгиллар дарёдай тошиб-тўлажак.

Халқ ҳурматин кўриш қандай бахт боқиб,
Бутун юрт бормоқда йўл бўйи оқиб,
Кўнгилларга меҳр чироғин ёқиб,
Қадамингга алвон гуллар тўшажак.

Қайта янгиланган қишлоқ, қалъалар,
Чамандек гуллаган саҳро, далалар.
Бугун боғчадан йўл олган болалар,
Президент мактаби сари боражак.

Барча ислоҳотни қўллаб халойиқ,
Чин рози бўлмоқда ўзингдан аниқ.
“Кўргайман кўзларда ёш эмас, шодлик”,
Деган сўзинг элга дармон бўлажак.

“Аччиқ кўл” бўйлари бўлиб томоша,
“Нукус Сити” қурилар янгича гўша.
“Янги Ўзбекистон” янги шаҳарча,
Одам таниёлмас майдон бўлажак.

Тўлган ойим кўкдан кулайин дейди,
Халқим кўкдан юлдуз терайин дейди.
Тезюрар поездлар келайин дейди,
Кўрмаганга бари армон бўлажак.

Йирик лойиҳалар йўлин олқишлаб,
Хитой, Кореядан инвестор бошлаб.
Қорақалпоқ шарафига куч ташлаб,
Босган қадамингиз достон бўлажак.

Қорақалпоқ бир ўғлиман мен ҳам деб,
Қанча ишлар қилдингиз эл ғамин еб.
“Йигит бўлсанг хизмат этгил элга” деб,
Қилган меҳнатингиз бўлди мустажоб.

Бердақнинг икки юз йиллигин ўйлаб,
Нишонлаш фикрингиз юртимиз бўйлаб.
Келгуси йил бутун халқ билан тўйлаб,
Бобомиз тилларда достон бўлажак.

Бундай ишларингиз кўп халққа ёққан,
Изингиздан борар ўғил-қиз чаққон.
Дунё ҳавас билан лол, ҳайрон боққан,
Бари-бари янги тарих бўлажак.

Қазилма бойликнинг топиб уясин,
Ҳам турмушда қўллаб илм зиёсин,
Шамол билан қуёш энергиясин,
Олган элнинг бахти буюк бўлажак.

Иш бошлаб, қирқ етти лойиҳа жойлар,
Қорақалпоғимда иш шашти қайнар.
Янги режалар ҳам янгича ўйлар,
У ердан Марс қадар кенг йўл солажак.

Янги “Нукус Сити” тез тушар кўзга,
Тарих янгиланар қиёфа ўзга.
Қорақалпоқ халқи миннатдор Сизга,
Бу йўлда халқ бир тан, бир жон бўлажак.

Президентимизнинг кўнгли ҳам тўлиб,
Шундай рози бўлди эл ичин кезиб.
Барчамиз бир Ватан, якдил халқ бўлиб,
Халқнинг янги тарихида қолажак.

Энди бошимиздан туманлар кетиб,
Халқ орзу қилгандай замонлар етиб.
Юртбошим оталиқ ғамхўрлик этиб,
Қорақалпоқда шодон даврон бўлажак!

Қорақалпоқчадан Равшан ИСОҚОВ ўзбекчалаштирди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Статистика маълумотларига кўра, юртдошларимиз ишлаётган мамлакатлар орасида МДҲ давлатларининг улуши 29 фоиз камайиб, Европа минтақасида 42 фоиз, Шарқий Осиёда эса 26 фоизга кўтарилган.



Орамиздаги одамлар

НАВРЎЗБУЛОҚ ТОШЛАРИДА ҲАМ ДАРАХТ ЎСАДИ

Инсоннинг умрини йиллар эмас, қилган ишлари безайди. Кимдир бир умр ўзига қулай шароит излайди, кимдир эса шароитни ўзи яратади. Бир қарашда оддий туюлган ҳаёт йўли ортида катта меҳнат, сабр, изланиш ва энг муҳими, сўнмас ишонч турган бўлади. Шундай инсонлар борки, тақдир синагани сайин тобланиб боради. Қийинчилик уларни ортга қайтармайди, аксинча, янги йўл излашга ундайди. Суннат Бойхўрозов ана шундай инсонлардан.

У гоҳида:

— Мен барвақт туғилганман. Мустақилликдан кейин туғилганимда анча кўп ғояларимни амалга оширган бўлардим, — деб қолади.

Аввалига унинг бу гапларини эшитиб, “Суннат ака тақдиридан норози шекилли”, деб ўйлагандим. Кейин унинг болалиги, ўсмирлиги ва ҳаёт йўли ҳақида эшитгач, бу гап ношукурлик эмас, балки кечиккан имкониятларга нисбатан алам эканини тушундим.

Унинг бутун ҳаёти бир ҳақиқатни исботлайди: инсоннинг қўлидан касбини, қалбидан эса орзусини тортиб олиб бўлмайди.

Суннат Бойхўрозов 1972 йилда Жиззах шаҳрининг Қипчоқ маҳалласида туғилиб, воя га етди. Отаси Раҳматулла ака юк машинаси ҳайдовчиси эди. Шу боис, Суннатнинг болалик дунёсида машина, мотор, темир-терсак ва йўл тушунчалари алоҳида ўрин тутарди.

Мактабдан келиши билан отасининг машинаси атрофида айланар, мурватларни бураб маҳкамлар, эҳтиёт қисмларни қизиқиш билан кузатар, ҳатто машина ғилдиракларини ювиб қўярди. Бироқ унинг қизиқишлари фақат техника билан чекланиб қолмади.

Ўн-ўн икки ёшларида отаси унга фотоаппарат олиб берди. Суннат ўқувчилар саройида суратга олиш сирларини ўрганди. Ёруғлик ва соя, ракурс ва композиция, энг муҳими, инсон ҳаётидаги бир лаҳзани абадий сақлаб қолиш санъати уни ўзига ром этди.

Мактабдаги тадбирлар унинг иштирокисиз ўтмайдиган бўлди. Маҳалладошлари ҳам унинг сифатли суратларини кўриб, тўй-маъракаларга таклиф қила бошлади. У суратга тушириб, альбомлар тайёрлар, қилган меҳнати учун ҳақ оларди. Бугун буни оддий меҳнат деб қабул қиламиз. Аммо ўша даврда вазият бошқача эди: меҳнатсиз даромад қилиш деб қонунга кўра жазоланарди.

— Шу масалада бир неча марта ИИБнинг вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи бўлимига чақирилганман, ҳар гал дадам бориб олиб келган, — дейди Суннат ака. — Лекин менга нисбатан ноҳақлик бўлаётганини қалбим билан ҳис қилардим.

У сураткашликдан топган пулини йиғиб келажакда катта фотостудия очишни режалаштирганди.

Суннат бир ишдан қайтарилса, бошқасига қўл урди. Саккизинчи синфга ўтганида асаларичиликка қизиқиб қолди. Уч йил асалари боқди. Етиштирган асали тоза ва сифатли бўлгани учун маҳалладошлари мавсум бошланмасиданоқ буюртма қилиб қўярди. Бироқ бу ҳунар ҳам унга тинчлик келтирмади. Устидан кимдир шикоят қилди. Тегишли идораларга чақирилди. “Ноқонуний савдо” қилганликда айбланиб, жаримага тортилди.

Бугун ўша воқеаларни эслар экан, Суннат ака ўтмишга ачинишдан кўра, ундан сабоқ олганини кўпроқ таъкидлайди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтда Суннат қурилиш материаллари комбинатида ҳайдовчи бўлиб ишларди.



Янги давр бошланган эди. Иқтисодий қийинчиликлар, ишсизлик, турмуш ташвишлари ҳали бартараф этилмаган бўлса-да, инсон ташаббуси ва тадбиркорлиги учун янги имкониятлар эшиги очилаётганди. Суннат ана шу эшикдан киришга қарор қилди. Бобоси ошпаз бўлгани учун маҳаллада чойхона очишни режалаштирди. Бунинг учун 15 бош қорамол сотиб олди. Молларни бўрдоқига боқиш баробарида “Қипчоқ” чойхонасини қуришга киришди. Аммо тадбиркорлик фақат яхши ният ва ғайратнинг ўзи эмаслигини тезда англади.

Чойхона бир ой ишлади. Хўрандалар эса у кутган даражада келмади. Меҳнат ва маблағ сарфлангани билан иш зарар келтираверди. Суннат касод бўлди. Бироқ яна бир муҳим сабоқ олди — тадбиркорликда хоҳишнинг ўзи кифоя қилмайди, бозорни билиш, одамлар эҳтиёжини англаш, ҳисоб-китоб ва тажриба ҳам зарур.

“Майли, ҳали бу соҳага яна қайтаман. Энди бошқача йўл тутаман”, деган фикр уни янги изланишларга бошлади. Бу гал у маҳалла кўчаларига трактор тиркамаларини қўйиб, аҳолига мол гўнги ва дарахтлардан тушган хазонларни шу ерга тўкиши мумкинлигини айтди. Бу ташаббус икки томонга ҳам манфаатли эди. Аҳоли чиқиндидан қутулди, Суннат эса хомашёга эга бўлди. Кейинчалик гўнг ва хазонларни бошқа маҳаллалардан ҳам йиғиб ола бошлади. Махсус чувалчанглар ёрдамида биогумус ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бир вақтлар одамлар чиқинди деб қараган гўнг ва хазон энди қишлоқ хўжалиги учун қимматли маҳсулотга айланди. Суннат ака шу жараёнда тадбиркорликнинг яна бир муҳим қоидасини ўрганди — маҳсулот ишлаб чиқаришдан олдин бозорни ўрганиш керак.

Реклама ва маркетинг бўйича билим олди, газета-журналларни ўқиди, мутахассислар маслаҳатларини ўрганди. Турли соҳалардаги илғор тажрибаларни ўз ишига татбиқ этишга ҳаракат қилди. Шу тариқа у аввалги хатоларини такрорламасдан яна чойхоначилик соҳасига қайтди.





Бу сафар мақсад аниқ эди.

— Жиззах сомсаси ва жизини бренд даражасига олиб чиқиш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим, — дейди Суннат ака.

У Тошкент, Самарқанд, Гулистон ва бошқа шаҳарлардаги таниш-билишларига қўнғироқ қилди. Чойхона очганини айтиб, уларни бир пиёла чойга таклиф қилди. Бу оддий таклиф ортида катта маркетинг ғояси бор эди.

Чойхонага келган одам таомни татиб кўради, унинг сифатига баҳо беради, кейин эса бошқаларга айтади. Қисқа вақт ичида Жиззахнинг Қипчоқ сомсаси бренд даражасига чиқди. Шу тариқа Жиззах сомсаси ва жизи ҳақидаги тасаввурлар кенгайди. Миллий таом тадбиркорликнинг бир қисмига, тадбиркорлик эса туризмнинг бир йўналишига айлана бошлади.

Суннат ака Жиззахнинг гастрономик брендини шакллантиришга ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилди. Бу изланишлар уни яна бир катта ғоя сари бошлади.

Туризмнинг салоҳиятини яхши англаган Суннат Бойхўрозов энди ўз маҳалласига яқин Наврўзбулоқ адирлигига бошқача нигоҳ билан қарай бошлади. Бу ерда табиатнинг ўзи яратган бетакрор манзара бор эди.



Аммо унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмасди. 10-15 туп дарахт соясида ёшлар пиво ичиб ўтирар, атрофда шиша синиқлари, бўш пластик идишлар сочилиб ётарди. Ваҳоланки, бир вақтлар бу ерда халқ сайиллари ўтган.

Суннат ака адирликнинг келажакда қандай қиёфа касб этишини тасаввур қилди. У шаҳар ҳокимлигига борди. Адирликни ўзлаштириш, бу ерда ўрмонзор ташкил этиш ва сайёҳлар учун муносиб маскан яратиш ғоясини билдирди. Тегишли ҳужжатларни тақдим этди. Ғояни амалга ошириш осон кечмади. Чунки адирлик оддий ер эмас. Бу ерда сув масаласи, кўчатларни парваришлаш, йўл, инфратузилма каби кўплаб муаммоларни ҳал қилиш керак эди. Аммо йиллар ўтди. Қоятошлар орасида ниҳоллар пайдо бўлди. Арчалар бўй чўза бошлади. Манзарали дарахтлар адирликка янги қиёфа берди.

— Вақт ўтаверар экан, адирликнинг энг юқорисига, қоятошлар орасига ҳам арча ва манзарали дарахт ниҳоллари экиляпти. Улар кучли ҳаво босими билан ёмғирлатиб суғорилади. Ҳозир адирликда 20 минг тупга яқин дарахт бор. Ҳар йили 1500-2000 туп кўчат экилади. Суғоришни ўзим назорат қиламан, — дейди Суннат ака. — Бу ўрмонзорда вақти келиб юз минг тупдан ортиқ дарахт ўсади. Бу рақамнинг ўзиёқ лойиҳа кўламини кўрсатиб турибди.

Наврўзбулоқнинг салқин ва мусаффо ҳавоси жазирама шаҳардан келган кишига дарҳол таъсир қилади. Қирдаги сўқмоқдан юқорига кўтарилганингиз сайин ҳавонинг салқинлашиб бораётганини сезасиз.

— Адирликда ҳаво ҳарорати Жиззах шаҳридагидан 10-15 даража паст, — дейди Суннат ака.

Бугун Наврўзбулоқ Жиззах вилояти туризм лойиҳалари харитасидан ўрин олган. Ҳар йили бу ерга 5-6 минг сайёҳ келиб, ҳордиқ чиқаради.

Кечаги ташландиқ адирликнинг бугун сайёҳлар қадам босадиган масканга айланганини ўз-ўзидан бўлган иш эмас.

Суннат Бойхўрозовнинг ўзига хос яна бир жиҳати бор, у ҳар бир ишнинг эртанги эмас, ўн йиллардан кейинги натижасини кўз олдига келтириб режа қилади.

— Ҳар бир ишни 10 йиллар аввал режалаштиришга ўрганиб қолганман, — дейди у.

Пухта ҳисоб-китоблардан кейин адирликда қиймати 13,5 миллиард сўм бўлган “Саломатлик маркази” қуриб битказилди. Марказдаги энг йирик сув ҳавзаси жаҳон стандартларига мос бўлиб, бу ерда сузиш бўйича республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларни ташкил этиш имконияти мавжуд.

Шундай қилиб, Наврўзбулоқнинг қиёфаси янада кўркамлашмоқда. Бу ерда табиат ва туризм билан бир қаторда спорт, соғломлаштириш ва оммавий дам олиш йўналишларини ривожлантириш учун имкониятлар яратилмоқда.

Бир вақтлар шиша синиқлари сочилиб ётган адирликнинг бугун одамлар соғлиғини тиклайдиган, дарахтлар ўсадиган ва янги лойиҳалар туғиладиган масканга айланаётгани ҳам ана шу изчил меҳнат самарасидир.

Инсоннинг энг катта ютуғи қилган иши билан бирга унинг давомчиларини ҳам тарбиялай олганидир.

2025 йилда Суннат Бойхўрозов давлатимиз раҳбари томонидан “Фаол тадбиркор” кўкрак нишони билан тақдирланди. Чойхона ишларини ўғли Руҳиддинга топширди. Ота изидан бораётган Руҳиддин ҳам яқинда “Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” нишони соҳиби бўлди.

Демак, бир вақтлар фотоаппарат билан мактаб тадбирларини суратга олиб юрган боланинг меҳнат ва изланишга асосланган ҳаёт фалсафаси фарзандига ҳам юққан. Бу, эҳтимол, ҳар қандай мукофотдан қимматлироқдир.

Наврўзбулоқ адирларидаги арчазорларни айланиб юрар эканмиз, кўзимиз бир ниҳолга тушди. У қоятошни ёриб чиқиб, бош кўтарган эди. Оддий ниҳол. Аммо унинг кўринишида катта маъно бор эди.

— Буни илк бор кўрганимда, ўзим ҳам ҳайратга тушгандим, — деди Суннат ака.

Табиат мўъжизаларга бой. Лекин бу манзара инсон ҳаёти ҳақида ҳам кўп нарса айтади. Зеро, инсон тақдирида ҳам “тошлар” — қийинчиликлар, тақиқлар, омадсизликлар, ноҳақликлар, сўнган умидлар бўлади. Аммо баъзи одамлар ана шу “тошлар” орасидан ҳам йўл топади.

Суннат Бойхўрозовнинг ҳаёти бунга мисол. У сураткашликдан бошлади, асаларичилик қилди, техника билан шуғулланди, тадбиркорликка қадам қўйди, касод бўлди. Яна турди, чиқиндидан биогумус яратди, Жиззах сомсасини бренд сифатида тарғиб қилди, ташландиқ адирликда дарахт экишга киришди, қоятошлар орасига ниҳол ўтқазди.

Бугун эса унинг орзулари минглаб дарахтлар шаклида кўз ўнгимизда бўй чўзмоқда. Шу боис, Наврўзбулоқдаги тошни ёриб чиққан ниҳолга қараб, бир фикр хаёлга келади: инсон меҳр билан иш бошласа, сабр билан давом эттирса ва ўз орзусига ишончини йўқотмаса, тошлоқ ер ҳам унга дарахт беради.

Эҳтимол, Суннат аканинг “Мен барвақт туғилганман”, деган гапига ҳам шу нуқтаи назардан қараш керакдир.

У барвақт туғилган эмас, балки ўз давридан бир оз олдинроқ фикрлаган, унинг болаликдаги фотостудияси бугун бўлмаслиги мумкин эди. Аммо унинг дарахтлари бор, унинг ғоялари бор, унинг ортидан бораётган фарзанди бор. Энг муҳими, бир вақтлар ташландиқ бўлиб ётган адирликда келажакда юз минг туп дарахт ўсишига ишонч бор.

Дарахт эса шундай, унинг соясидан ўзингиз эмас, кейинги авлод ҳам баҳраманд бўлади. Наврўзбулоқдаги ниҳоллар шунинг учун қадрли. Улар бугунги кун учун эмас, эртанги кун учун экиляпти.

Тошлар орасида ҳам.

Асад МУСТАФОЕВ,
журналист



Инсон қадри учун

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ — МАЛАКАЛИ КАДРЛАР УЧУН ДАРОМАД МАНБАИ

Ҳар қандай муаммога янгича қараш, тўғри ёндашув орқали оқилона ечим топиш мумкин. Бир пайтлар фуқароларнинг хорижга меҳнат қилиш учун кетишига катта муаммо сифатида қараларди. Рўзғор тебратиш, болаларининг устини бут, қорнини тўқ қилиш учун чет элда юрган ватандошларимизга бегонадек қараларди.

Кейинги йилларда меҳнат миграциясини тартибга солишга қаратилган эътибор туфайли ёндашув мутлақо ўзгарди. Соҳани тараққий эттириш, янги босқичга олиб чиқиш учун оқилона механизм ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари хорижий давлатларга ташрифи давомида ўша ерда истиқомат қилаётган юртдошларимиз, хусусан, ўзбек диаспораси вакиллари билан кўришишга албатта вақт топади. Бундай муносабат хориждаги ватандошларимизни ҳам бефарқ қолдирмади. Уларнинг бири Ўзбекистонга инвестиция киритди, бошқаси кучли билими, тафаккури ва халқаро даражадаги тажрибаси орқали Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш учун Ватанимизга қайтиб келди.

Давлатимиз раҳбарининг меҳнат миграциясига доир ислоҳотларидан кўзланган мақсад хорижда меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг юқори даромад топиши, соҳасининг устаси сифатида шаклланиши, яшаш шароити, ойлик маош юқори давлатларга бориб ишлашини таъминлаш, энг асосийси, меҳнат муносабатларида маҳаллий ходимлар билан тенг ҳуқуқ ва кафолатларга эга бўлишига эришишдан иборат.

Бугун юртдошларимиз қиррқа яқин давлатда меҳнат қилмоқда. Статистика маълумотларига кўра, юртдошларимиз ишлаётган мамлакатлар орасида МДҲ давлатларининг улуши 29 фоиз камайиб, Европа минтақасида 42 фоиз, Шарқий Осиёда эса 26 фоизга кўтарилган. Рақамлардан ҳам кўриниб турибди: ишлаш учун энг жозибадор ҳудуд Европа мамлакатларидир. Сабаби у ерда ишчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, даромад қилиш имконияти юқори. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотига кўра, ўртача энг юқори ойлик маош Люксембургда қайд этилган — 9307 доллар эквивалентида. Кейинги ўринларда Бельгия (8297 доллар) ва Нидерландия (7234 доллар) турибди. АҚШ ва Финляндияда ушбу кўрсаткич мос равишда 6273 ва 6253 долларни ташкил этса, Ирландия ҳамда Словакияда 5000 доллардан юқори бўлган.

Хорижда ишлаш истагидаги фуқароларни юборишда нафақат юқори маошли, балки ишчи кучига талаб юқори мамлакатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чет элда арзон ишчи кучи бўлиб қолмаслиги учун юртдошларимизга турли касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўргатиш бўйича янги механизмлар ишлаб чиқилди. Хусусан, касб-ҳунарга ўргатувчи техникумлар фаолияти тикланди ҳамда “Касб + тил” тамойили асосида қўшма таълим лойиҳалари йўлга қўйилди. Германия, Жанубий Корея ва Япония компаниялари билан техникумлар негизида ташкил этилган қўшма таълим лойиҳалари доирасида 8500 дан ортиқ фуқаро таълим олмоқда.

Маълумотларга кўра, бугун хориждан тил ва касб талабларига жавоб берадиган 100 мингдан ортиқ малакали мутахассисга буюртма келиб тушган. Жумладан, Германияга 40 минг ҳамшира, Японияга қурилиш, логистика ва сервис соҳалари бўйича 15 минг мутахассис зарур. 2030 йилгача Европа давлатларида аҳолининг кексайиши ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли улушининг қисқариши меҳнат бозори учун асосий таркибий муаммолардан бирига айланиши кутилмоқда.

Мазкур ҳудудларда ишчи кучи тақчиллиги 7,5-10,5 миллион кишигача бўлиши тахмин қилинмоқда. Натижада муҳандислик, юқори технологияли ишлаб чиқариш, инфратузилма қурилиши, транспорт ва логистика, аграр соҳа, тиббиёт, ахборот технологиялари, туризм ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида ишчи кучига талаб ошиши кутилмоқда.



Мисол учун, Германияга ҳар йили камида 400 минг малакали мигрант кириб келмаса, ЯИМ ўсишига салбий таъсир қилади. Нордик давлатлар экологик тоза технологиялар марказига айланмоқда. “Яшил” металлургия, шамол энергетикаси, ахборот технологиялари соҳасида талаб ортиб боради.

Японияда парваришлаш, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида 6-7 миллион, Жанубий Кореяда эса кемасозлик, металга ишлов бериш, электроника ва саноат тармоқларида 1,2-1,5 миллион ишчи кучи тақчиллиги юзага келиши прогноз қилинган. Ушбу давлатлар Ўзбекистон учун келажакдаги истиқболли меҳнат бозоридир. Бўш иш ўринларидан фаол фойдаланиш учун юртдошларимизни талаб юқори касбларга ўқитиш зарурати мавжуд.

Энди хорижда меҳнат қилиш учун арзон ишчи кучи эмас, ўз соҳасининг етук кадрларини, турли касб-ҳунарни пухта эгаллаганларни юбориши талаб этилади. Чунки инсон капитали замонавий дунёда энг яхши сармоя, мамлакат тараққиётининг муҳим омилидир. Шунингдек, Ўзбекистон каби ривожланаётган мамлакатлар учун тўғридан тўғри хорижий валюта олиб киришнинг энг содда кўриниши. Турли минтақаларда ишлайдиган ўзбекистонлик меҳнат мигрантлари даромадини Ўзбекистонда сарфлайди. Кимдир мол-мулк сотиб олса, бошқаси фарзандини ўқитади, оиласи фаровонлиги йўлида ишлатади. Бу эса, ўз навбатида, давлат иқтисодиёти учун ҳам фойдали. 2026 йил январь-июнь ойларида чет элдан Ўзбекистонга юборилган пул ўтказмалари ҳажми ўтган йилдагига нисбатан 8 фоиз (100 миллион доллар) кўпайиб, 1,3 миллиард долларни ташкил қилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Энг асосийси, хорижда ишлаётган юртдошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари муносиб тарзда ҳимоя қилинмоқда. Хусусан, чет элдан Ўзбекистонга қайтиб келаётган фуқаролар ўз ҳолига ташлаб қўйилаётгани йўқ. Уларнинг ҳам бандлигини таъминлаш учун турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Масалан, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлса, имтиёзли кредит тақдим этилади. Деҳқончилик қиламан деса, ер берилади.

Сўнгги маълумотларга кўра, дунё миқёсида 186 миллион киши ишсиз, ишлашни истаган, бироқ иш топмаган ёки меҳнат бозоридан вақтинча четда қолганларни қамраб олувчи кенгроқ иш ўрни тақчиллиги эса 408 миллионтага етиши прогноз қилинган бир паллада юртимизда меҳнатга лаёқатли кишиларда танлаш имконияти мавжудлиги кейинги йилларда соҳадаги катта ислоҳот ва ташаббусли лойиҳаларнинг ҳосиласидир.

Зеро, чет элда тажриба орттириб келган фуқаролар мамлакатимизга қайтгандан сўнг ҳам турли тармоқларнинг тараққий этишига муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Эҳтиром

КЎЗГУ

5

2026 йил 23 сентябрь, 197-сон

Бугун ўз устида тинмай ишлаётган, ўқувчисига бутун меҳрини улашиб, унинг камолоти учун борини бераётган ҳар бир устоз бундай ғолибликка муносиб.

ЭНГ КУЧЛИ УСТОЗЛАР ЭНГ ЯХШИСИГА МУНОСИБ

Мамлакатимизда илк бор умумий соврин жамғармаси

128 МИЛЛИАРД сўмдан зиёд бўлган ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Республикамиз бўйича 46 мингдан ортиқ педагог иштирок этган танлов устозларга эътибор ва уларнинг ўз касбий маҳоратини намоён этишга бўлган интилиши нечоғлик юқори эканини кўрсатди. Якунда юртимиздаги шаҳар ва туманларнинг ҳар биридан бир нафардан — жами 208 педагог ғолибликни қўлга киритди. Таълим тизими тарихида бундай кенг кўламли рағбатлантириш илгари кузатилмаган эди.

Шунинг учун 208 ўқитувчи шунчаки ғолиб эмас, балки юртимиздаги таълим ислоҳотлари самарасини ўз фаолиятида кўрсатиб бера олган фидойилар десак, муболаға бўлмайди. Уларнинг ҳар бири 616 миллион сўм (базавий ҳисоблаш миқдорининг 1400 баравари) миқдоридаги пул мукофотининг асл ҳақдорларидир. Ғолиблар нафақат моддий рағбатлантирилади, балки илғор тажрибаси оммалаштирилиб, касбий салоҳияти янада оширилади. Бу эса ўз-ўзидан бутун бир соҳа ривожига, айниқса, таълим сифатини яхшилашга беминнат хизмат қилади.

Мазкур танловни ҳар икки йилда бир марта ўтказиш белгиланган. Уч босқичда ташкил этиладиган танлов педагогларнинг касбий маҳорати ва билим савиясидан ташқари маънавий салоҳиятини ҳам намоён этиб бериши билан ниҳоятда аҳамиятли.

— Давлатимиз раҳбари ўқитувчиликни энг обрўли касбга, мактаб таълимини ривожлантиришни эса умумхалқ ҳаракатига ва умуммиллий мақсадга айлантирамиз деган фикрни кўп такрорлайди, — дейди Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Азамат Камолов. — Айни пайтда бу мақсад учун қанча сармоя керак бўлса, шунча ажратиб берилаётгани ва ўқитувчиларга зарур шарт-шароитлар яратилаётгани ортидан таълим тизимида катта силжишлар кузатилмоқда.

Йил ўқитувчиларини кашф этиш мақсадида кенг кўламли ва янгича ёндашувга асосланган ушбу танлов илк бор ташкил этилди. Тўғри, бу танлов аввалари ҳам ўтказилар эди. Бироқ илгари 500-600 минг ўқитувчи орасидан атиги 1-, 2- ва 3-ўрин соҳибларигина аниқланарди. Эндиликда эса ҳар бир шаҳар ва туманнинг ўз “йил ўқитувчиси” бўлади. Улар уй-жой сотиб олиш учун етарли миқдордаги пул мукофоти билан тақдирланади. Бундай устозларга чинакамига ҳавас қилишади ва уларнинг барчаси жамиятдаги энг обрўли шахсларга айланади. Бу ҳолат эса “Келажакда ўқитувчи бўламан”, дейдиган ёшлар кўпайишига асосдир.

Биз суҳбатда бўлган янги авлод устозлари — бутунлай янгича қиёфа касб этган “Йил ўқитувчиси” танлови ғолиблари ҳам ўзларига ҳавас қилган ёшларни эргаштиришни юксак шараф деб билади. Аслида, улар учун халқнинг ишончи ва шогирдларнинг ютуқлари энг олий мукофотдир.

КАСБИМДАН БАХТ ТОПДИМ



Одилжон НИЁЗОВ, Юқори Чирчиқ туманидаги 34-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси:

— Бугун мен халқимизнинг устозга эҳтироми ва уларни улуғлаш билан боғлиқ қадриятлари ҳеч қачон ўлмаслигига гувоҳ бўлиб турибман. Зеро, бир пайтлар ёш авлодни ўқитувчилик касбидан совитган ҳар қандай ҳолатларга барҳам берилди. Устозларнинг йўқолаёзган обрўси қайта тикланди. Таълим тизими тарихида мисли кўрилмаган ишлар қилинмоқда. “Йил ўқитувчиси” танлови ниҳоятда адолатли ташкил этилгани бунинг биргина мисолидир. Таниш-билишчиликка ўрин йўқ, ҳамма баробар бўлган бу майдонда фақат илмнинг кучи, тажриба ва маҳорат соф рақобатга киришди.

Танловнинг биринчи босқичида биз инсон омилисиз, фақат аттестациядан тўпланган балимиз асосида саралашдан ўтдик. Иккинчи босқичда эса дарс ўтиш маҳоратимиз синовдан ўтказилди. Биз ўз мактабимизда эмас, бошқа бир туманга бориб, қуруқа ташлаш орқали ўзимизга тушган синфга нотаниш мавзуни ўтиб беришимиз керак эди. Мен Бўстонлиқ туманидаги 53-мактабнинг 10-синфида “Феноллар ва ароматик спиртлар” мавзусида дарс ўтдим. Дарсларимизнинг видеоёзуви платформага жойланди. Бизни ҳакамлардан ташқари туманимиздаги бошқа ўқитувчилар ҳам баҳолаб борди.

Учинчи босқич икки турда ташкил этилди. Маънавий-маърифий йўналиш бўйича лойиҳамиз тақдимотини ўтказдик, китобхонлик йўналишида эса белгиланган асарлар доирасида тест топширдик. Натижаларимизни ўзимиз тўғридан тўғри кузатиб турдик. Якунда эса мен ҳам ғолиблар сафидан жой олдим.

Гапнинг очиғи, илгари фақат нуфузли мусобақалар ғолиби бўлган спортчиларгагина ҳавас қилардик. Илм-фандаги ютуқларга ҳам шундай эътибор ва рағбат берилармикан деб ўйлардик. Мана, шундай кунларга ҳам етдик, биз ўз касбидан бахт топган устозлармиз.

Илк бор ўтказилган бу шаффоф танлов барча ўқитувчилар ўз устида ишлаши учун жуда катта туртки, мен учун эса катта сабоқ ва тажриба мактаби бўлди. Негаки, танлов шартларига тайёрланиш мобайнида ҳали ўрганишимиз керак бўлган илмлар ва бажаришимиз лозим бўлган улкан вазифалар кўплиги яққол кўриниб қолди.

ЎҚИТУВЧИНИНГ МЕҲНАТИ ҚАДРЛАНАДИГАН ЮРТДА ЯШАЁТГАНИМДАН БАХТИЁРМАН



Дилшодабону АБДУҚОДИРОВА, Миробод туманидаги 263-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси:

— Инсон бир нарсани чин юракдан хоҳласа, унга нафақат атрофидаги инсонлар, балки бутун коинот ёрдам беради деганлари рост экан. Менга “Йил ўқитувчиси” бўлишимда чиндан ҳам бутун коинот ёрдам берди десам, муболаға бўлмайди. Олдимга аниқ мақсад қўйдим ва куну тун шу мақсад йўлида тинмай изландим. Албатта, фақатгина қисқа муддатда эришилган ютуқлар билан “Йил ўқитувчиси” бўлиб қолмайсиз. Фаолиятингизнинг илк кунлариданоқ касбга муҳаббат, болаларнинг қалбига топилган йўл ҳамда шунинг ортидан келган ҳурмат ва эътибор кейинги ҳаракатларингизга мустаҳкам пойдевор бўлади.

Икки йил аввал ўқитувчилар байрами арафасида Президентимиз “Йил ўқитувчиси” танлови ғолибларига энди уй-жой берилиши ҳақида айтганида, тўғриси, жуда ҳаяжонланиб кетган эдим. Чунки биз, ўқитувчиларга аввалари бундай катта имконият берилганини ҳеч қачон эшитмагандик. Давлатимиз раҳбари айтдими, демак, бу албатта амалга ошади деган эзгу ният билан ўша кунданоқ ўзимга талабчанликни янада оширдим. Ҳатто кунига 20 соатлаб ўз устимда тинимсиз ишлаган кунларим бўлди. Шунинг учун ғолибликни қўлга киритганимда қувонч кўз ёшларимни тўхтата олмадим. Бундай юксак ютуқларга ҳақиқатан ҳам жуда катта меҳнат ва машаққат эвазига эришилади. Айни пайтда ўқитувчи меҳнати бу қадар юксак қадрланадиган юртда яшаётганимдан қанчалар бахтиёр эканимни сўз билан ифодалаб бера олмайман.

Ривожланган мамлакатларда таълим соҳасига катта сармоя йўналтирилиши бежиз эмас. Биз ҳам айнан шу йўлдан бораётганимиз келажакда ҳали жуда кўп ютуқларни келтиради. Зеро, бугунги шиддатли глобаллашув даврининг ўзи ҳам таълим сифати ва тарбия масаласини энг биринчи ўринга олиб чиқмоқда. Бундай пайтда ўқитувчилардек катта армиядан ва уларнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдалана олмаган ҳар қандай давлат келажагини бой беради. Буни чуқур англаб етган ҳукуматимиз ва халқимиз биз, ўқитувчиларга қанча эътибор берилса ҳам кам эканини амалда эътироф этмоқда. Бундай юксак эътибордан биз, албатта, руҳланамиз ва беқиёс куч оламиз. Янгиланган “Йил ўқитувчиси” танловининг илк ғолиблари сифатида тарихда қолишнинг ўзи қандай яхши! Бугун ўз устида тинмай ишлаётган, ўқувчисига бутун меҳрини улашиб, унинг камолоти учун борини бераётган ҳар бир устоз бундай ғолибликка муносиб. Ўйлайманки, ушбу нуфузли танлов энг кучли ва фидойи устозларни ёш авлодга, қолаверса, бутун халқимизга кенг танитади.

ШАФФОФЛИК ВА ХОЛИСЛИК — ЮТУҚЛАР АСОСИ



Сарвиноз ЭШМУРОДОВА, Қўшработ туманидаги 51-мактаб бошланғич таълим ўқитувчиси:

— Мактабимиз олис ҳудудларда жойлашган мактаблар тоифасига киради. Ўқувчиларимиз мактабга 16 километр масофадан қатнаб ўқийди. Манзилнинг ярмигача автобус қатнови йўлга қўйилган бўлса-да, ундан уёғига пиёда юришга тўғри келади. Аммо шундай мураккаб шароитда ҳам ўз касбига меҳр бериб ишланса, албатта, кутилган натижага эришиш мумкин. Шаффоф баҳолаш тизими туфайли бугун таълимдаги ислоҳотлар фақат шаҳар марказида эмас, балки энг чекка ҳудудларда ҳам бирдек амалга ошаётганини мен мазкур нуфузли танловда ғолиб бўлиш орқали исботладим.

Аввало, танловга саралаш жараёни тўғридан тўғри аттестация балларига боғлаб қўйилгани барча учун жуда қулай бўлди. Аттестациядан ўтишга ариза топширган ҳар бир ўқитувчи ўз-ўзидан “Йил ўқитувчиси” танловига номзод сифатида қабул қилинади. Бу эса бошқа танловлардаги каби ариза топшириш, турли ҳужжатлар йиғиш ва яна алланималарни тайёрлаш каби ортиқча югур-югурларнинг олдини олади.

Бунинг яна бир қулай томони шундаки, ҳар бир босқич ўртасида тайёргарлик кўриш учун 3-4 ой фурсат берилади. Балки шундай узоқ вақт давомида етарлича тайёргарлик кўрганимиз учундир, танлов давомида бизда ҳеч қандай қийинчилик кузатилмади. Аксинча, биз бу вақтдан фойдаланиб, кўпроқ ўз устимизда ишладик ва билимимизни мустаҳкамладик. Ўқитувчини касбий жиҳатдан ўстириш ва жамиятдаги обрўсини ошириш учун бундан ортиқ имконият бўлмаса керак. Танлов ғолибларига бериладиган катта миқдордаги пул мукофоти эса шунча йиллардан буён ҳеч бир устознинг на хаёлига келган, на тасаввурига сиққан эди.

Энг муҳими, жараёнга адолатли ёндашув ва холислик мазкур танлов нуфузини янада ошириб юборди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, тақдимотга кириб чиқишимиз ҳамоноқ олган балларимиз платформада яққол кўриниб турди. Тест топшириб бўлишимиз билан натижалар дарҳол эълон қилинмоқда. Ҳақиқий шаффофлик мана шунда бўлса керак!

Аслини олганда, ишонч инсон учун энг олий мукофотдир. Шу маънода, устоз аҳлини улуғлайдиган, бедор тунларидаги меҳнатини қадрлайдиган ҳукуматимиз ҳамда кўп миллатли халқимиз ишончини оқлаш учун биз бор куч ва илмимизни бағишлашга тайёрмиз.

ҲАҚИҚИЙ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИ ҲИС ЭТДИК



Жўрабек НУРМАТОВ, Мирзачўл туманидаги 1-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси:

— Ўтмишда шундай оғир пайтлар ҳам бўлдики, эркак ўқитувчилар мактабда ишлаб оиласи ва рўзғорини тебрата олмай қолди. Оқибатда уларнинг аксарияти касбини ташлаб, бошқа даромадлироқ ишларга ўтиб кетишга мажбур бўлди. Бугунга келиб эса таълимдаги вазият тубдан ўзгарди. Эркак ўқитувчилар яна мактабларга қайта бошлади. Уларнинг бир вакили сифатида мен ҳам айнан мана шу таълим тизимидан ўз ризқимни топдим. Бугунги кунда олаётган маошим оиламни тебратиш учун бемалол етяпти. Ўтган йил декабрь ойида мен 70 фоизли қўшимча устамага эришган эдим. Жорий йилда эса она тили ва адабиёт фанидан миллий сертификатни ҳам қўлга киритдим. Ҳозир ойига минг доллардан зиёд иш ҳақи оламан. Бундан ташқари, дарсдан бўш вақтимда репетиторлик қиламан. Шу йилнинг баҳорида 15 ўқувчим ўзбек тили ва адабиёт фанидан миллий сертификатни қўлга киритиб, барчаси талабалик бахтига муяссар бўлди.

Президентимиз ўқитувчиларнинг маошини 1000 доллардан ошираман деганида нафақат оддий одамлар, балки соҳа вакиллари орасида ҳам бунга ишонмаганлар бўлган эди. Аммо буни қарангки, эндиликда баъзи илғор ўқитувчилар нафақат 1000, балки 2000-3000 доллар миқдорида ҳам маош олмоқда. Бугунги кунда педагогнинг мақомини юксалтириш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида кенг кўламли, тизимли ишлар қилинмоқда. Қайсики ўқитувчи ўз устида тинимсиз ишлаб, касбий жиҳатдан ривожланишга ҳаракат қилса, у муносиб мукофотини ҳам олмоқда. Жумладан, буни “Йил ўқитувчиси” танлови мисолида яққол кўриш мумкин. Мен танловга номзодим қўйилганини ўтган йилнинг декабрь ойида эшитган эдим ва ўша кундан бошлаб мусобақага астойдил тайёрландим. Барча жараёнлар кўнгилдагидек ва адолатли ўтгани сабабли иштирокчиларнинг ҳеч бирида норозилик кайфияти бўлмади. Айниқса, танловнинг учинчи босқичи ниҳоятда ажойиб тарзда ташкил қилинди. Ҳакамлар ҳайъатига республикамизнинг кўзга кўринган профессорлари ва академиклари жалб қилинганидан ҳаммаиз хурсанд бўлдик. Тақдимотларимиз улар томонидан холис ва ҳаққоний баҳоланди. Бу танловда қатнашиб, педагогик маҳоратимни сезиларли даражада оширдим деб дадил айта оламан.

ЭНДИ АДОЛАТЛИ ВА ИШОНЧЛИ ТАНЛОВИМИЗ БОР



Ҳамида ШЕРМАТОВА, Сариосиё туманидаги 2-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

— Якунланган ўқув йили мен учун жуда омадли ва қўшалоқ ютуқларга бой бўлди. Аслида, ҳозирги кунда кимки чин юракдан меҳнат қилса, ютуқлар ва имкониятлар уни излаб топмоқда. Ўз мисолимда айтадиган бўлсам, биргина тоифа сертификатига эга бўлганим менга қатор имкониятлар эшигини очди. Маошимга қўшимча тарзда 70 фоиз устама тўланмоқда. Шунингдек, вазир устамаси соҳибига айландим. Буларнинг ортидан эса “Йил ўқитувчиси” танловида қатнашиш имкониятига эришдим.

Ушбу танлов биринчи марта уч босқичда ташкил этилди ва у бошидан охиригача фақат очиқлик ҳамда шаффофлик тамойилларига асосланди. Бу шунчаки чиройли гаплар эмас, мен бу адолатни амалда кўрдим. Танлов давомида менга рақиб бўлган бир педагог билан балларимиз тенглашиб қолди. Шунда танлов ташкилотчилари алоҳида вақт ажратиб, биздан қайтадан тест олди. Танлов доирасида ўтадиган дарсимиз ҳақидаги хабар ҳам бизга бир кун аввал, кечки пайт маълум қилинди. Қуръа натижасига кўра, чекимга туманимиздаги 68-мактабнинг тожик тилида таълим оладиган 7-синфи тушди. Ўқувчиларга “Меҳробдан чаён” романи бўйича дарс ўтиб бердим. Дарсим холис ва адолатли баҳоланди.

Шунингдек, лойиҳаларим тақдимоти ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан илиқ қабул қилинди. Жумладан, мен ақлли QR-кодларни таълим жараёнига кенг олиб кириш тарафдориман. Бу орқали ўқувчи баҳодан ташқари ўша ақлли QR-кодларни сканер қилиб, ўз руҳиятига ижобий таъсир қилувчи ва руҳлантирувчи фикрлар, иқтибосларни ўқиши мумкин бўлади. Масалан, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида жуда чиройли ва теран фикрлар берилган. Буларни ўқувчиларимга дарснинг ташкилий қисмида айтиб бориш билан бирга уларнинг ёдида яхшироқ қолиши учун QR-кодларга ҳам жойлаб бордим. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди, ўқувчилар уларни жуда катта қизиқиш билан ўқимоқда.

Бундан ташқари, битирувчи синф ўқувчилари ўртасида кўнгиллилар гуруҳини ташкил этишни таклиф қилдим. Бу кўнгиллилар гуруҳи ўқув йили давомида махсус кийимларда ободонлаштириш ишларига, кексалар ҳолидан хабар олишга ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига кўмак беришга жалб қилинади. Шунингдек, энг яхши ва кучли жамоа мактаб маъмурияти ҳамда ўқитувчилар ҳомийлиги асосида тил сертификатларига бепул тайёрланиши учун ваучерлар жорий қилиш кераклиги ҳақидаги фикримни ҳам билдирдим.

Тўғрисини айтсам, илгари ҳар қанча ҳаракат қилманг, бунақанги таклифлар унчалик инобатга олинмас эди. Меҳнатингиз юзага чиқиши жуда қийин бўлиб, таниш-билишчилик соясида кўринмай қолиб кетардингиз. Хайриятки, энди ўз кучимиз ва меҳнатимиз билан ўса оляпмиз, эришаётган ютуқларимиз ҳалол. “Йил ўқитувчиси” деган эътироф мен учун нафақат шарафли ном, балки масъулиятли бурч ҳамдир. Бу юксак эътироф биздан замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, юртга садоқатли ҳамда мустақил фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялашни талаб қилмоқда. Кўз тегмасин, юртимиз тинч, фаровон, олаётган маошимиз ҳам етарли. Шундай муносиб шароитда ёниб ишламаслик, ўзимиздан-да кучлироқ шогирдларни тарбияламаслик мумкинми?!



ҒАЛАБАМИЗ ЎЗИМИЗ КАБИ САФДОШЛАР КЎПАЙИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Сарварбек РАҲИМОВ, Қўрғонтепа туманидаги ихтисослаштирилган мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси:

— “Йил ўқитувчиси” танлови ғолиби бўлган илк сонияларданоқ мен ўзимга билдирилган улкан ишончни ва зиммамга юклатилган жуда катта масъулиятни ҳис қилдим. Зеро, бу фақатгина шахсий ютуғим эмас. Бу жамият тараққиётининг энг муҳим таянчи ҳисобланган устозлик касбига кўрсатилаётган юксак ҳурмат ва беқиёс эътиборнинг ёркин ифодасидир.

Шунингдек, ғалабамда менга илм берган устозларимнинг машаққатли меҳнати, елкадош бўлган ҳамкасбларимнинг ишончи, энг муҳими, ўз орзу-умидлари билан бизга куч бағишлаб келаётган азиз шогирдларимнинг катта ҳиссаси бор. Шунинг учун ҳозир ғалаба нашидасини суришдан кўра кўпроқ эртанги кун, олдингаги забт этилиши лозим бўлган яна кўплаб марралар ва янги вазифалар ҳақида ўйлаяпман.

Биз шундай бахтли педагоглармизки, айнан ўқитувчига муносабат ўзгариб, жамиятдаги мавқеи ва қадр-қиммати юксалаётган бир даврда яшамоқдамиз. Ахир бундай ёруғ кунларга ета олмаганлар қанча! Ўзимнинг волидам ҳам ўқитувчи бўлиб ўтган, афсуски, улар бу улкан ютуғимни ҳам, оддий ўқитувчига уй бериладиган бундай ёруғ кунларни ҳам кўра олмади. Бироқ мен онажонимнинг касбини шараф билан давом эттириб, ҳеч қачон изланишдан ва янгиликларга интилишдан тўхтамайман. Энг муҳими, жонажон Ватанимизга муносиб авлодни тарбиялаш, аввало, мен каби устозларнинг муқаддас вазифаси эканини ҳар он ҳис қилиб яшайман. Биз шундай баркамол авлодни тарбиялашимиз керакки, уларнинг эгалланган билими юрт тараққиётига, теран тафаккури жамият янгиланишига, эзгу мақсадлари эса янги Ўзбекистон келажагига хизмат қилсин.

Қарийб 20 йилдан буён таълим тизими ичида эканман, 10 дан зиёд шогирдим ўзим каби она тили ва адабиёт ўқитувчиси бўлганидан чексиз фахрланаман. Ўқувчиларим турли фан олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритганида бу йўлда чеккан барча машаққатларим ва муаммоларим бир зумда эсдан чиқиб кетади. Мен ҳамиша уларнинг эришаётган ютуқларидан куч оламан. Шу ўринда яна бир фикрни айтишни истардим: фарзандларимиз ҳам бугун дунёдаги энг бахтиёр болалардир. Ўқувчилик давримизда ҳозиргидек Президент мактаблари ёки турли йўналишларга ихтисослаштирилган замонавий мактаблар бўлмаган. Бугунги кунда уларга яратилган бундай шароитларга бутун дунё болалари ҳавас қилса арзийди. Уларнинг яхши ўқиб олим бўлиши ёки ўзи истаган соҳани мукаммал эгаллаши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган. Биз ана шундай умидли қоракўзларнинг ёркин келажаги учун тинмай изланяпмиз ҳамда ишлаяпмиз. Бундан буён ҳам бор билимим, ҳаётий тажрибам ва куч-ғайратимни ёш авлоднинг таълим-тарбиясига ҳамда жонажон Ватаним тараққиётига бағишлайман.

* * *

Ғолибларнинг қай бири билан суҳбатда бўлмайлик, улар, аввало, таълим тизимида бундай адолатли танлов ташкил этилганини ҳамда бу ҳолат соҳа вакиллари, айниқса, ёшлар учун жуда катта имкониятлар эшигини очиб беришини ишонч билан таъкидлади. Чиндан ҳам бундай эзгу ишлар соҳага эндигина кириб келаётган ёхуд кириш истагида бўлган кўплаб ёшларнинг қалбига ёруғлик ва умид бағишлайди. Бу эса, ўз навбатида, ҳар икки йилда таълимда эришилган улкан ютуқларимизнинг ёркин тимсоли ўлароқ тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилажак янги “Йил ўқитувчилари”ни кашф этишимизга беминнат хизмат қилади.

Муножат МЎМИНОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ватанни ўчириб бўлмасликка иммон келтирган ўша машғулот хотирамда умрбод сақланиб қолган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

“ВАТАННИ ЎЧИРИБ БЎЛМАЙДИ, БОЛАМ...”

Эссе

Қанчалик оғир бўлмасин, психолог айтган шартларнинг барчаси бажарилди. Иштирокчилар гўё чексиз коинотда ҳеч кимсиз, ҳеч нарсасиз, умидсиз ва яшашга бўлган истаксиз қолгандек эди гўё. Сўнг кўзлар сўнгги бор бир дақиқага юмилди ва тасаввурдаги мана шу ҳолат бутун вужуд билан ҳис қилина бошланди. Улар ўша лаҳзада ҳаёти давомидаги энг қўрқинчли ва азобли тасаввур билан юзма-юз келгандир, балки? Эҳтимол, шундай.



— Ишонинг, сиз дунёдаги энг бахтли инсонсиз. Она Ватанингиз тафтини ҳис қилиб яшаяпсиз. Оилангиз, яқин инсонларингиз доимо ёнингизда, яхши кўрган ишингиз бор, соғлиғингизда муаммонгиз йўқ. Фақат буни юрак-юракдан ҳис қилишингиз керак эди. Уларни асранг, қадрига етинг.

Бошланиши 1-бетда

Ҳарбий шаҳарчадаги маданият саройига кириб борар эканмиз, бизни залда жам бўлган Ватан посбонлари ва хизматчилар ўринларидан турган ҳолда кутиб олди. Саҳна ўртасида меҳмонлар учун алоҳида жой ҳозирланиб турар, ҳарбий қисм бошлиғи қўярда-қўймай ҳаммамизни ўша ерга таклиф қилди.

Яхшилаб ўрнашиб олганимиздан кейин шерикларимиз навбати билан сўзга чиқа бошлади. Ватан, озодлик, истиқлол қадри ва шунга яқин мавзулар атрофида кечаётган гурунг бир хил маромда давом этяпти. Учинчи киши берилиб маъруза ўқиётганида “Қани, ўзи кимдир эшитяптими?” деган ўй билан секин залдагиларга назар ташлай бошладим ва тасодифан Беҳрўзни кўриб қолдим. Ҳа, бу аниқ ўша. Сира ўзгармабди. Фақат нигоҳлари янада теранлашган, бутун диққати билан минбардаги таниқли маданият вакилининг гапларига қулоқ осиб турибди. Елкасидаги юлдузлари эса йириклашибди. Мен охирги марта ҳарбий журналист сифатида бу ерга келганимда у лейтенант эди...

* * *

Декабрнинг аччиқ совуғи қўша-қўша кийимимиз ичидаги баданни тешиб ўтгудек эди. Марҳум қизиқчи Ҳожибой Тожибоев бир томнинг устидан иккинчи томга сакраб ўтаётган мушук куннинг совуқлигидан ўртада музлаб қолади деб мана шу қаҳратонни айтган бўлса керак. Бу ерда яшаётган маҳаллий аҳолига, бошқа вилоятлардан келиб хизмат қилаётган ҳарбийларимизга қорақалпоқча қилиб, “Раҳмет”, дегинг келади. Шубҳасиз, ёзи жазирама, қиши аёзли бу масканда уларни ягона нарса таянч нуқтаси каби тутиб туради: Ватан туйғуси...

Режа бўйича ҳарбий қисмларда жорий этилган ҳарбий психологлар фаолияти билан танишишимиз, улар ҳақида лавҳа ёки очерк тайёрлашимиз керак. Ҳарбий қисмнинг ҳарбий психологи лейтенант Беҳрўз Муродов бизни машғулот хонаси томон етаклади. Кирсак, хонада ҳарбий қисмнинг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари ва ҳарбийлар ўтирибди. Кўриниб турганидек, улар ичидан кимдир ўз хоҳиши билан келган, яна кимдир эса истагидан ташқари. Буни қорақалпоқларга хос тарзда рўй-рост билдирганлари ҳам бўлди. “Нима, биз жиннимизми?” деб ўйлашган-да. Ҳарбий инсоншуносимиз эса бу нарсаларга парво ҳам қилмай, ўз ишига киришиб кетди. “Одам ҳам шундай бетаъсир бўладими-ей”, деб юборади киши.

Беҳрўз аввалига йиғилганларнинг исми ва исмлари тарихи билан қизиқди.

— Менинг исмим Муҳаббат. Отимни раҳматли бувим қўйган экан, — дея гап бошлади ўзи айтганидек Муҳаббат опа. — Бувимнинг айтишича, ота-онам бир-бирини яхши танимай, катталарнинг хоҳишига кўра турмуш қуришган. Мен туғилганимдан кейин улар ўртасида муҳаббат пайдо бўлсин деб исмимни шундай қўйишган.

Хонада енгил кулги кўтарилди ва қолганлар ҳам бирин-кетин исмлари тарихини сўзлаб берди. Шундан сўнг машғулот бошланди. Лейтенант Беҳрўз Муродов бугунги машғулотнинг номини айтди: “Мойчечак”. У қатнашувчиларга биттадан оқ қоғоз билан ручка тарқатиб чиқди. Психолог ўз ишининг устаси экани, қалб қўрида ҳалиям сақланиб қолган бегуборлик борлиги кимлардир истар-истамас машғулот шартларини бажаришга киришаётганида у ўзини худди ҳеч нарсани кўрмаётгандек, сезмаётгандек тутишида кўринарди. Биз эса хонанинг эшик томондаги бурчагида жимлик сақлаган ҳолда кузатиб ўтирибмиз.

— Қўлингиздаги оқ қоғозга мойчечакнинг расмини чизинг. Унинг гули саккиз банддан иборат бўлсин, — деди биринчи қадамни ташлашга киришган Беҳрўз. — Қани, чизган бўлсак, ҳаммамиз кўрсатамиз.

Эринибгина қоғоз кўтарган қўллар секин туширилди. Психолог ҳаммага қараб чиқди-да, улардан бир дақиқага кўзларини юмишларини илтимос қилди.

— Ана энди, — давом этди у, — мана шу саккизта банднинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида қилиб ўзимиз учун энг азиз ва қадрли бўлган нарсаларимизни ёзиб чиқамиз.

— Менинг азиз нарсаларим кўп-да, нима қилай? — иштирокчилар ичидан кимдир савол беради.

— Умумийлаштирсангиз ҳам бўлади, — Беҳрўз мулойимлик билан жавоб қайтарди.

Машғулотни диққат билан кузатишда давом этамиз. Ҳамма ёзиб бўлгач, кўзлар яна бир дақиқага юмилди. Қоғозга туширилган қадрлилар тасаввурда жонланди.

Беҳрўз машғулотнинг навбатдаги шартини айтганида, кўпчилик эътироз билдирди. У дедики:

— Мана шу саккизта банддан иккитасини ўчирамиз...

Иштирокчиларнинг эътирозида жон бор. Ахир бу бандлар ичига улар фарзандлари, ота-онаси, турмуш ўртоғи, соғлиғи, ғурури, севимли иши ва ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай йўл билан асраб қолишга арзигулик “бойлик”ларини ёзган эди.

— Мен булар ичидан ҳеч бирини ўчиролмайман, — дейди Жалғас оға.

— Илтимос, машғулот шарти шундай, ўчирамиз, — деди Беҳрўз босиқлик билан.

Бир иштирокчи титраган қўлидаги ручка билан иккита банддаги ёзувларни ўчирди-ю, шу оннинг ўзидаёқ улардан айрилгандек изиллаб йиғлаб юборди. Бошқаларнинг ҳам кўнгли бузилди. Машғулот шу зайлда қийинлашиб боряпти. Сокин хонада қўлдан тушиб кетган ручканинг партага ва полга текканидаги овози эшитилади, холос.

...Иштирокчиларда охирги иккита банд қолган. Бўлиб ҳам энг қадрли, суюмли ва азизлари. Беҳрўз эса совуққонлик билан уларни ҳам ўчириш кераклигини айтиб турибди. Қатнашувчиларнинг навбатдаги эътирозлари ҳам қаноатлантирилмади.

— Менинг ота-онам ўтиб кетган. Улар ҳозир шу тупроқда ётибди, — маҳзун оҳангда гапираётган бу аёлнинг исми Зулфия опа. — Шунинг учун бошда бандларнинг бирига “Ватан” деб ёзган эдим. Ватанни ўчириб бўлмайди, болам...

Шу пайтгача ўз касбининг устаси эканини кўрсатиб келган лейтенант Муродов бир лаҳза титраб кетди-ю, ҳиссиётга берилса, машғулот барбод бўлишини ўйлаб, ўзини йиғиб олди.

— Бундай ишни буюрмаган бўлардим, аммо машғулотнинг шарти шу, опа, — у ўта оғир ва босиқлик билан гапирарди. — Танловни ўзингизга қолдираман...

Бошда кўзи ёшланган опа яна диққат марказимизда. “Болаларимдан қандай воз кечаман ахир?”.

Қанчалик оғир бўлмасин, психолог айтган шартларнинг барчаси бажарилди. Иштирокчилар гўё чексиз коинотда ҳеч кимсиз, ҳеч нарсасиз, умидсиз ва яшашга бўлган истаксиз қолгандек эди гўё. Сўнг кўзлар сўнгги бор бир дақиқага юмилди ва тасаввурдаги мана шу ҳолат бутун вужуд билан ҳис қилина бошланди. Улар ўша лаҳзада ҳаёти давомидаги энг қўрқинчли ва азобли тасаввур билан юзма-юз келгандир, балки? Эҳтимол, шундай.

Машғулотнинг иккинчи босқичи бошланди. Энди улар бандлардаги ёзувларни иккитадан қайта тиклаб чиқишга киришди. Юзларидаги қувончни кўрсангиз! Йўқотган нарсаларини бир-бир топишяпти-да. Ниҳоят азизлар номи битилган тўтиё ёзувлар тўла-тўкис тикланди. Беҳрўз эса уларга қараб туриб:

— Ишонинг, сиз дунёдаги энг бахтли инсонсиз. Она Ватанингиз тафтини ҳис қилиб яшаяпсиз. Оилангиз, яқин инсонларингиз доимо ёнингизда, яхши кўрган ишингиз бор, соғлиғингизда муаммонгиз йўқ. Фақат буни юрак-юракдан ҳис қилишингиз керак эди. Уларни асранг, қадрига етинг. Минг афсусски, ҳаёт бугунги машғулотимиз эмас. Минг чиранмайлик, йўқотган нарсаларимиз қайтиб келмайди, — деди.

Машғулот аввалида иштирок этишни истамаган кишилар психологга энг биринчи бўлиб раҳмат айтди. Биз ҳам Беҳрўзга қорақалпоқча қилиб, “Раҳмет”, деган эдик ўшанда.

* * *

Мириқиб маъруза тинглаётган Беҳрўзга қарайман-у, ўша воқеалар хаёлимда қайта жонланади. Шу пайт сўз навбати менга келиб, минбарга таклиф қилиб қолишди. Ўшанда нималар ҳақида гапирганим ҳозир унчалик ёдимда йўқ, лекин Ватанни ўчириб бўлмасликка иммон келтирган ўша машғулот хотирамда умрбод сақланиб қолган.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

“Атлас байрами” фестивали

ҲУНАРМАНДЛАР БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШДИ







Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Марғилон шаҳридаги Бурҳониддин Марғиноний илмий-маърифий ва туризм мажмуаси мезбонлик қилган “Атлас байрами” VII халқаро фестивали бўлиб ўтди. ЮНЕСКО шафелигида Фарғона вилояти ҳокимлиги, Амалий санъат бирлашмаси ҳамда “Ҳунарманд” уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган фестиваль барча ҳунармандларни бир мақсад йўлида бирлаштирди. Унда 21 та давлатдан ташриф буюрган 66 хорижий меҳмон ҳамда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган 100 дан ортиқ маҳаллий уста сара ҳунармандлик ишларини намойиш қилди.

— Халқаро ҳунармандлик фестивалининг асосий мақсади номоддий маданий меросни, хусусан, атлас ва адрас тайёрлаш анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш ҳамда ҳунармандларни қўллаб-қувватлашдир, — дейди Республика “Ҳунарманд” уюшмаси раиси Расулжон Мирзаахмедов. — Ушбу фестиваль дастлаб миллий ташаббус сифатида бошланган эди. Бугунга келиб, у халқаро, глобал миқёсдаги маданиятлар ва ижодкорлар ўртасида тажриба алмашиш майдонига айланди. Чунки маданий мерос фақат музей ва коллекциялардагина сақланиб қолмаслиги керак. Бугунги фестиваль Шарқ ва Ғарб ижодкорларини бир мақсад йўлида бирлаштириб, ўзига хос маданий мулоқот ва тажриба алмашиш мактабини яратди.

Дастур доирасида “Made in Uzbekistan” кўргазмаси, халқ сайиллари — ҳунармандлик ярмаркаси ва халқ томошалари, халқаро конференция, шунингдек, анъанавий тўқимачилик ва гиламдўзлик бўйича маҳорат дарслари, инновацион дизайн ва модалар намойиши бўлиб ўтди. Маҳорат дарслари давомида турли ўсимликлар, уларнинг илдизлари ва минерал манбалардан табиий бўёқлар ажратиб олиш технологияси босқичма-босқич тақдим этилди. Фестиваль дастурининг яна бир ёркин воқеаси инновацион дизайн йўналишида ташкил этилган модалар намойиши бўлди. Унда Марғилоннинг машҳур атлас ва адрас матолари ҳамда миллий шойи намуналари замонавий, креатив бичимлар ва муаллифлик ечимлари билан уйғунлашган либосларда ўз ифодасини топди.

— Оиламиз уч асрдан буён махсус нақшли қолиплар ёрдамида матога қўлда бўёқ босиш санъати билан шуғулланиб келади, — дейди ҳиндистонлик ҳунарманд Сантош Кумар Дҳанопия. — Бу анъанавий миллий ҳунармандлик туридир. Ҳиндистон ҳукумати кўмагида дунёнинг 32 мамлакатида ушбу ҳунар бўйича амалий кўргазмалар ўтказдик. Асосий йўналишларим бобурийлар даврига оид, шунингдек, миниатюра ва анъанавий услубдаги қолипли босма нақшлар тайёрлашдан иборат. Фестивалда Ҳиндистон ҳунармандлигининг ўзига хос жиҳатларини, ранг-тасвирларини кўрсатишга ҳаракат қилдим. Ўзбекистонга, хусусан, Фарғонага илк бор келишим. Юртингиз жуда гўзал, озода, халқи эса меҳмондўст экан. Бу файзли юртга, албатта, яна келаман.

— Бундай нуфузли фестивалда халқларнинг завқ-шавқи, яратувчанлик хислатларини кўриб янада руҳландим, — дейди қирғизистонлик ҳунарманд Гулмира Акматова. — Қирғиз халқида қўй боқиш қадимдан анъана бўлиб келгани учун жунни қайта ишлаб, ундан турли буюмлар тайёрлашга қизиқиб қолганман. Бугунги кунда “Mountain Cedar Woolens” бренди остида фаолият юритаман. Асосан, табиий қўй жунларини қўлда йигириб, ип ва бўёқлар ёрдамида тайёр кийимлар, уй-рўзғор буюмлари тайёрлаймиз. Ўзбек ва қирғиз ҳунармандлиги ўртасида ўзаро ўхшаш жиҳатлар жуда кўп. Табиий матолар, халқларимизнинг ҳаёт тарзига монанд нақшлар бир-бирига ҳамоҳанг.

— “Атлас байрами” фестивалида иштирок этиб, жуда оламшумул таассурот олдим, — дейди қозоғистонлик ҳунарманд Замзагул Белгебоева. — Бу ерга келиб, ўзбек халқининг мато, ранг ва нақшларга бўлган муносабати нақадар нозик ва теран эканини янада яқинроқ ҳис қилдим. Атлас ва адрасниинг ҳар бир нақшида тарих, миллий руҳ ва улкан меҳнат мужассам. Ўзим қуроқчилик, пэтчворк ва арт-квилт йўналишида ижод қиламан. Биз ҳам матолар орқали миллий маданиятимизни асрашга ва уни замонавий шаклда намоён этишга ҳаракат қиламиз. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўзбек атлас ва адрасларининг қуроқ санъати билан уйғунлиги мен учун жуда қизиқарли бўлди. Марғилонда атлас ва адрасларнинг ранглари, нақшлари ва қўлланиш имкониятларини кўриб, қуроқ санъати билан яна қандай янги тажрибалар қилиш мумкинлиги ҳақида кўплаб фикрлар пайдо бўлди.

— Ўзбекистонда ташкил этилган бундай нуфузли фестивалда биринчи маротаба иштирок этяпман, — дейди эронлик ҳунарманд Мажид Замоний. — Бу, аввало, тажриба алмашиш ва маҳаллий ҳунармандлар билан яқиндан танишиш имконини берди. Фестиваль дастури биз кутганимиздан-да мазмунли, амалий учрашув ва машғулотларга бой бўлди. Марғилондаги кўплаб маҳоратли ҳунармандлар билан танишиб, ўзаро алоқалар ўрнатдик. Умид қиламанки, бу мулоқотлар келгусида биргаликда ишлаш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш имкониятини беради.

Сайил майдонида аския халқ оғзаки ижодининг нозик ва бетакрор намунаси сифатида томошабинларга хуш кайфият улашган бўлса, дорбозларнинг маҳоратга йўғрилган чиқишлари “Атлас байрами”ни халқнинг ўзлигини, ижодкорлиги ва бой маданий меросини намоён этувчи катта сайилга айлантириб юборди. Моҳир тўқувчи ва тикувчилар турли номинациялар доирасида рағбатлантирилди. Халқ сайиллари эса байрамга ўзгача кўтаринкилик бағишлади. Ҳунармандлик ярмаркасида миллий санъатнинг бетакрор намуналари намойиш этилди ҳамда маҳорат дарслари ўтказилди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.
29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 20:50 Топширилди — 22:45

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.